GreenStar Applications
GS3 CommandCenter™ дисплейи

ОПЕРАТОР ҚЎЛЛАНМАСИ

GreenStar Applications
GS3 CommandCenter дисплейи

OMPFP20732 МУАММО H1 (UZBEK)

John Deere Ag Management Solutions
(Бу қўлланма бунинг ўрнини босади: OMPFP10555)

Кириш

Жон Дир тақдим қилган GreenStar™ тизимига ХУШ КЕЛИБСИЗ.

Тизимни тўғри ишлатиш ва сервис кўрсатиш учун БУ ҚЎЛЛАНМАНИ ЎҚИБ чиқинг. Акс ҳолда жароҳат олиш ёки ускуналарга шикаст етказиш мумкин. Бу қўлланма ва машинадаги хавфсизлик белгилари бошқа тилда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. (Буюртма учун Жон Дир дилери билан боғланинг.)

Бу қўлланма тизимнинг АЖРАЛМАС ҚИСМИ ДЕБ ҲИСОБЛАНИШИ ва тизим сотилганида бирга берилиши лозим.

Бу қўлланмадаги ЎЛЧОВЛАР метр тизимида ва АҚШда ишлатиладиган бирликларда берилган. Фақат мос келадиган эҳтиёт қисмлар ва болтларни ишлатинг. Метр ёки дюйм ўлчовидаги болтларга муайян метрли ёки дюймли ключ керак бўлиши мумкин.

ЎНГ ТОМОН ВА ЧАП ТОМОН олдинга юриш йўналишига нисбатан аниқланади.

МАҲСУЛОТ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМЛАРИНИ (P.I.N.) ЁЗИБ ОЛИНГ. Барча рақамларни ёзиб олинг, қисмлар ўғирланганида топишга ёрдам беради. Эҳтиёт қисмларини буюртма қилишда дилерингизга ҳам шу рақамлар керак бўлади. Идентификация рақамларини машинадан ташқаридаги ишончли жойга ёзиб қўйинг.

Машинани шу қўлланмада кўрсатилган тарзда ишлатган ва сақлаган мижозларга Жон Дир кўмак дастурининг бир қисми сифатидаги КАФОЛАТ тақдим қилинади. Дилердан олинган кафолат талонида кафолат ҳақида ёзилган.

Кафолат муддатида носозлик аниқланса, Жон Дир машинани қайтариб олиши кафолатланади. Айрим ҳолларда, машинанинг кафолати тугаган бўлса ҳам, Жон Дир машинани такомиллаштиради ва бунинг учун мижоздан пул олмаслиги мумкин. Машинадан нотўғри фойдаланилса ёки қувватини заводда белгиланган характеристикаларидан ошириш мақсадида ўзгартириш киритилса, кафолат йўққа чиқади ва такомиллаштиришдан бош тортилиши мумкин.

GreenStar – Deere & Company савдо белгиси

JS56696,0000218-UZ-10DEC08-1/1

http://StellarSupport.com

ҚАЙД: Чоп этилганидан кейин ускунага ўзгартириш киритилгани сабабли, бу ҳужжатда ускуна функциялари тўлиқ тавсифланмаган бўлиши мумкин. Ишлатишдан олдин энг охирги Оператор қўлланмаси, Қисқа қўлланма ва Фойдаланувчи йўриқномасини ўқинг. Нусхасини дилердан ёки бу манзилдан олинг: http://StellarSupport.com

RN38933,00000EE-UZ-10AUG11-1/1

Бу қўлланмани ўқинг

Дисплей/дастурий таъминотни ишлатишдан олдин хавфсиз ва тўғри ишлатиш учун керакли қисмлар ва амаллар билан танишиб чиқинг.

МУҲИМ: Қуйидаги GreenStar деталлари об-ҳавога чидамли эмас, уларни фақат кабинали транспортда ишлатиш керак. Нотўғри ишлатилса, кафолат йўққа чиқиши мумкин.

- **Оригинал GreenStar дисплейи**
- **GreenStar дисплейлари**
- **AutoTrac универсал рул тўплами**

RN38933,00000EF-UZ-10AUG11-1/1

Мундарижа

Бет

Хавфсизлик
Хавфсизликка оид маълумотларни таний билиш 05-1
Сигнал сўзларни тушуниш 05-1
Хавфсизлик кўрсатмаларига риоя қилиш 05-1
Хавфсиз тарзда техник хизмат кўрсатиш амалиётларига риоя қилинг 05-2
Электрон деталлар ва тутқичлар билан хавфсиз ишланг 05-2
Хавфсизлик камарини тўғри ишлатинг 05-3
ISOBUS агрегатлари учун оператор қўлланмаларини ўқинг 05-3
Йўналтириш тизимларини хавфсиз ишлатиш 05-3

Хавфсизлик белгилари
Автоматик йўналтириш тизими аниқланди 10-1

GreenStar тизимига кириш
Бу қўлланмани ўқинг 15-1
GreenStar ҳақида асосий маълумотлар 15-1
Қўлда йўналтириш 15-1
Экранда харита тузиш 15-1
Чегаралар 15-1
AutoTrac 15-2
Swath Control Pro 15-2
Лицензия шартномаси 15-2

GreenStar иловаларини фаоллаштириш
GreenStar иловаларини фаоллаштириш 20-1
Фаоллаштиришларни бошқариш 20-2
GreenStar функцияларини блоклаш 20-2

GreenStar бош
GreenStar бош саҳифаси 25-1

Созлаш устаси
Созлаш устаси 30-1
Асосий созлаш режими 30-1
Стандарт созлама режими 30-3
Машина 30-3
Агрегат 30-6
Ёзиб олиш манбаи 30-9
Дала 30-10

Йўналтириш йўлагини созлаш
Йўналтириш йўлаги 35-1
Йўналтириш йўлагини қайта созлаш 35-2
GreenStar иш саҳифаси 35-3

Умумий GreenStar тизими билан ишлаш
Умумий GreenStar тизими билан ишлаш 40-1

Бет

Далаларни ўзгартириш 40-2
Чегара яратиш 40-3
Майдонни ҳисоблаш 40-5
Қамров харитасини тузиш 40-5
Қамров хариталарини ёзиб олиш 40-6
Қамров хариталарини тозалаш 40-6
StarFire GPS аниқлиги индикатори 40-7
Қизил устунли диаграмма 40-7
Тўқ сариқ устунли диаграмма 40-7
Яшил устунли диаграмма 40-7
GPS аниқлигини қамров харитасида кўрсатиш 40-8

GreenStar тизими йўналтириш функциясини ишлатиш
GreenStar тизими йўналтириш функциясини ишлатиш 45-1

AutoTrac функциясини ишлатиш
Йўналтириш тизимларини хавфсиз ишлатиш 50-1
Умумий маълумот 50-1
AutoTrac аниқлиги 50-1
AutoTrac тизимини ёқиш 50-2
AutoTrac тизимини фаоллаштириш 50-2
Тиклаш тугмаси 50-2
AutoTrac ҳолат доираси 50-3
AutoTrac тизимини кейинги йўлда қайта фаоллаштириш 50-4
AutoTrac тизимини фаол ҳолатдан чиқариш 50-4
AutoTrac деактивацияси хабари 50-5
Бошқарув сезувчанлиги 50-6

Йўналтириш тизимини тўғри йўлак режимида ишлатиш
Иш тамойили 55-1
Янги тўғри йўлакни яратиш 55-1
A+B, A+Auto B ва A + йўналтириш усуллари 55-2
Кенглик/узунлик ва Кенглик/узунлик+йўналиш курси усуллари 55-3
Тўғри йўлакда йўналтириш 55-3

Йўналтириш тизимини AB эгри чизиқ режимида ишлатиш
Иш тамойили 60-1
Янги AB эгри чизиқли йўлак яратиш 60-1
Тўғри йўлни ёзиш ёки тўсиқлар атрофида ҳаракатланиш 60-2
Тўғри чизиқ узайтиргичлари 60-2
AB эгри чизиқда йўналтириш 60-2

Давоми кейинги бетда

Оригинал йўриқнома. Бў қўлланмада берилган барча маълумотлар, расмлар ва характеристикалар чоп этилган вақтдаги энг янги маълумотларга асосланади. Исталган вақтда огоҳлантириш бермасдан ўзгартириш киритиш ҳуқуқи сақлаб қолинган.

COPYRIGHT © 2011
DEERE & COMPANY
Moline, Illinois
All rights reserved.
A John Deere ILLUSTRUCTION™ Manual

Бет

Йўналтириш тизимини мослашувчан эгри чизиқлар режимида ишлатиш
Иш тамойили 65-1
Йўналтириш қолиплари 65-1
Янги Мослашувчан эгри йўлни яратиш 65-2
Тўғри йўлни ёзиш ёки тўсиқлар атрофида ҳаракатланиш 65-4
Олдиндан қайд қилинган йўлакда йўналтириш 65-4
Йўлакни силжитиш 65-5
Далада тўсиқлар атрофида йўналтириш 65-5

Айлана йўлак тизимида йўналтириш тизимини ишлатиш
Иш тамойили 70-1
Янги айлана йўлагини яратиш 70-1
Айлана юриш усули 70-1
Кенглик/узунлик методи 70-1
Айлана йўлакда йўналтириш 70-2
Йўлакни силжитиш 70-2
Аниқлик 70-2

Қаторни ёритиш режимида ишлаш
Иш тамойили 75-1
Қаторни ёритиш функциясини ишлатиш 75-1

Умумий йўналтириш
Ёқиш ва ўчириш 80-1
Йўналтириш йўлакларини тозалаш 80-1
Йўлакни силжитиш 80-2
Товушли кузатиш сигналлари 80-2
Бурилишда кўриш 80-3
Бурилиш предиктори 80-3
Йўналтириш созламалари 80-4
Ёритгич созламалари 80-5
Эгри йўлак созламалари 80-6
AutoTrac созламалари 80-9
AutoTrac илғор созламалари 80-9
AutoTrac универсал 80-9
Ташқи GreenStar ёритгичи 80-9

Swath Control Pro
Swath Control Pro тизимини ишлатиш 85-1
Пуркагичлар учун Swath Control Pro тизимини ёқиш 85-1
Экиш асбоблари учун Swath Control Pro тизимини ёқиш 85-2
Секция ҳолати сатри 85-2
Аниқлик 85-2
Swath Control Pro созламалари 85-3
Созламаларни ёқиш ва ўчириш 85-4
Swath Control Pro ёқиш ва ўчириш созламаларини тушуниб олиш 85-5
Swath Control Pro тезкор созламалари жадвали - метр тизимида 85-8
Swath Control Pro тезкор созламалари жадвали - SAE 85-10

Маълумотларни бошқариш
Маълумотларни бошқариш 90-1
Маълумотларни ўтказиш 90-1

Бет

Маълумотларни USB сақлаш қурилмасига нусхалаш 90-2
USB сақлаш қурилмасидан маълумотларни импорт қилиш 90-2
Бошқа дастурий таъминотдан (3-томон) маълумотларни импорт қилиш 90-2
Бўш ички хотира ҳажмини кўриш 90-3
Ички хотирадан маълумотларни олиб ташлаш 90-3
Йўналтириш йўлакларини тозалаш 90-3
Маълумотларни тозалаш 90-4

Носозликларни бартараф қилиш ва диагностика
Йўналтириш сигнализацияси 95-1
Хабарлар маркази 95-3
Носозлик кодларини қайта дастурлаш 95-9
Огоҳлантириш ва авария сигналлари менюси 95-10
Диагностик манзиллар 95-12
Носозлик кодлари билан қалқиб чиқувчи ойналар - платформанинг базавий дастурий таъминоти 95-14
Носозлик кодлари билан қалқиб чиқувчи ойналар - ҳужжат дастурий таъминоти 95-16
GreenStar диагностикаси 95-17
Носозликларни бартараф қилиш ва Диагностика 95-17

Хавфсизликка оид маълумотларни таний билиш

Бу хавфсизлик сигнали белгисидир. Машинада ёки ушбу қўлланмада шу белгини кўрсангиз, жароҳат олиш хавфи борлигини билинг.

Тавсия этилган эҳтиёт чоралари ва хавфсиз ишлатиш амалиётларига риоя қилинг.

T81389—UN—28JUN13

DX,ALERT-UZ-29SEP98-1/1

Сигнал сўзларни тушуниш

ХАВФ, ОГОҲЛАНТИРИШ ёки ДИҚҚАТ сигнал сўзлари хавфсизлик сигнали белгиси билан ишлатилади. ХАВФ сўзи энг жиддий хатарни билдиради.

ХАВФ ёки ОГОҲЛАНТИРИШ хавфсизлик белгилари хатарли жой яқинига қўйилади. ДИҚҚАТ белгиларида эҳтиёт чоралари келтирилади. ДИҚҚАТ сўзи ушбу қўлланмадаги хавфсизлик хабарларига диққатни жалб қилади.



TS187—UZ—17OCT19

DX,SIGNAL-UZ-03MAR93-1/1

Хавфсизлик кўрсатмаларига риоя қилиш

Ушбу қўлланмадаги ва машинадаги белгилардаги хавфсизлик хабарларини ўқиб чиқинг. Хавфсизлик белгиларини яхши ҳолатда сақланг. Тушиб қолган ёки зиён етган белгиларни алмаштиринг. Янги эҳтиёт қисмларига хавфсизлик белгилари қўйилиши шарт. Янги хавфсизлик белгиларини Жон Дир дилеридан олинг.

Бошқа таъминотчилардан олинган эҳтиёт қисмларда бу қўлланмада тасвирланмаган қўшимча хавфсизлик маълумоти бўлиши мумкин.

Машинани қандай ишлатиш ва тўғри бошқаришни ўрганинг. Йўл-йўриқсиз ҳеч ким ишлатишига рухсат берманг.

Машинани яхши иш ҳолатида сақланг. Машинага рухсатсиз ўзгартириш киритилса, ишлаши ва/ёки хавфсизлиги ёмонлашиши ва ишлаш муддатига таъсир қилиши мумкин.



TS201—UN—15APR13

Бу қўлланманинг бирор қисмини тушунмасангиз ва ёрдам керак бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,READ-UZ-16JUN09-1/1

Хавфсиз тарзда техник хизмат кўрсатиш амалиётларига риоя қилинг

Ишга киришишдан аввал техник хизмат кўрсатиш жараёнини тўлиқ тушуниб олинг. Жойни тоза ва қуруқ ҳолда тутинг.

Ҳеч қачон машина ҳаракатланаётганида смазкаламанг, техник хизмат кўрсатманг ёки ростламанг. Қўлингизни, оёқларингизни ва кийимингизни узатма қисмлардан узоқроқ тутинг. Босимни чиқариш учун барча қувватни ва ишлатиш тугмаларини ўчиринг. Қурилмаларни ерга туширинг. Моторни тўхтатинг. Калитни чиқариб олинг. Машина совишини кутинг.

Сервис кўрсатиш учун кўтарилиши керак бўлган қисмларни тиргак билан мустаҳкамланг.

Барча қисмларни яхши ҳолатда ва тўғри ўрнатилган ҳолатда тутинг. Бузилганларини дарҳол тузатинг. Ейилган ёки синган қисмларни алмаштиринг. Тўпланиб қолган смазка, мой ёки чиқиндиларни олиб ташланг.

Ўзиюрар қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин аккумуляторнинг ерга уланиш кабелини (-) ажратинг.

Шатакка олинган қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин трактордан келган симларни узинг.

TS218—UN—23AUG88

DX,SERV-UZ-17FEB99-1/1

Электрон деталлар ва тутқичлар билан хавфсиз ишланг

Электрон деталларни ўрнатиш ёки ускунадан ечиб олиш пайтида йиқилиш натижасида жиддий жароҳат олиш мумкин. Ўрнатиш нуқтасига осон етиш учун нарвон ёки платформадан фойдаланинг. Маҳкам ва ишончли таянчлар ва суянчиқларни ишлатинг. Ҳўл ёки музлаган жойларда деталларни ўрнатманг ёки ечманг.

Агар минора ёки бошқа баланд иншооотга RTK база станцияси ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос тирноқлар (темир чангак) ишлатинг.

Агар асбобда ишлатиладиган глобал жойлашув тизими мачтасини ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос келадиган кўтарилиш усулларидан фойдаланинг ва ҳимоя воситаларини тақиб олинг. Мачта оғир бўлиб, ишлаш қийин бўлиши мумкин.

TS249—UN—23AUG88

Ўрнатиш нуқталари ердан ёки платформадан баландда бўлса, иккита одам керак бўлади.

DX,WW,RECEIVER-UZ-24AUG10-1/1

Хавфсизлик камарини тўғри ишлатинг

Ағдарилиш каби бахтсиз ҳодисадан жароҳат олиш хавфини минималлаштириш учун ағдарилишдан ҳимоя мосламаси (ROPS) ёки кабина билан ишлаганда хавфсизлик камаридан фойдаланинг.

ROPS ёки кабинасиз ишлаганда хавфсизлик камаридан фойдаланманг.

Агар маҳкамлаш мосламалари, тўқа, ремен ёки ретракторда шикастланиш аломатлари кўринса, бутун хавфсизлик камарини алмаштиринг.

Хавфсизлик камари ва маҳкамловчи болтларини йилига камида бир марта текширинг. Маҳкамловчи болтлар ёки ременда кесилган, ипи чиққан, ҳаддан ташқари ёки ноодатий ейилган, ранги ўчган ёки ишқаланган аломатларини текширинг. Фақат машинангиз учун



тасдиқланган эҳтиёт қисмларига алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,ROPS1-UZ-29OCT07-1/1

ISOBUS агрегатлари учун оператор қўлланмаларини ўқинг

GreenStar иловаларидан ташқари, ушбу дисплей ISO 11783 стандартига мос келадиган ҳар қандай ISOBUS агрегати учун дисплей мосламаси сифатида ишлатилиши мумкин. Бунга ISOBUS агрегатларини бошқариш имконияти ҳам киради. Шу тарзда фойдаланилганда, дисплейга жойлаштирилган маълумот ва агрегатнинг бошқариш функциялари агрегат томонидан таъминланади ва агрегат ишлаб чиқарувчиси зиммасига юкланади. Агрегатнинг бу функцияларидан баъзилари операторга ҳам, бошқа одамларга ҳам хавф туғдириши мумкин. Агрегат ишлаб чиқарувчиси томонидан тақдим этилган Оператор қўлланмасини ўқинг ва фойдаланишдан олдин қўлланма ва агрегатдаги барча хавфсизлик хабарларига риоя қилинг.

ҚАЙД: ISOBUS 11783 ISO стандартига таянади

DX,WW,ISOBUS-UZ-19AUG09-1/1

Йўналтириш тизимларини хавфсиз ишлатиш

Катта йўлда йўналтириш тизимларини ишлатманг. Катта йўлга чиқишдан олдин доим йўналтириш тизимларини ўчиринг (фаолсизлантиринг). Катта йўлда кетаётганда йўналтириш тизимини ёқишга ҳаракат қилманг.

Йўналтириш тизимлари далада ишлаётганда операторга ёрдам беришга мўлжалланган. Машинанинг бошқаруви учун доим оператор масъул бўлади.

Йўналтириш тизимларига транспортнинг руль бошқарувини автоматлаштирадиган ҳар қандай восита киради. Улар қуйидагилар: AutoTrac, iGuide, iTEC Pro, ATU ва RowSense, аммо булар билан чекланмайди.

Оператор ва атрофдагиларга жароҳат етмаслиги учун:

- Ҳеч қачон ҳаракатланаётган транспортга чиқманг ёки тушманг.
- Машина, агрегат ва йўналтириш тизими тўғри созланганига амин бўлинг. Агар iTEC Pro ишлатилаётган бўлса, чегаралар аниқ белгиланган бўлсин.
- Огоҳ бўлинг ва атрофни диққат марказида тутинг.
- Даладаги хатарлар, атрофдаги одамлар, ускуналар ёки бошқа тўсиқларга урилмаслик учун зарур бўлганида рулни қўлга олинг.
- Агар яхши кўринмаётгани сабабли машинани бошқариш ёки йўлдаги одамлар ёки тўсиқларни кўриш қийинлашган бўлса, ишни тўхтатинг.
- Транспорт тезлигини танлаётганда дала шароити, кўринарлилик ва транспорт конфигурациясини ҳисобга олинг.

JS56696,0000970-UZ-10MAY11-1/1

Автоматик йўналтириш тизими аниқланди

ДИҚҚАТ: Автоматик йўналтириш тизими аниқланди. Йўлда йўналтириш тизими фаоллаштирилса, транспорт бошқарувини йўқотишингиз мумкин.

Ўлим ёки жиддий жароҳатнинг олдини олиш учун йўлга чиқишдан олдин йўналтириш тизимини ўчиринг.

Ушбу хабар автоматик йўналтириш тизими ўрнатилган транспорт воситаларини ишга туширишда пайдо бўлади.

OUO6050,0001219-UZ-08OCT09-1/1

GreenStar тизимига кириш

Бу қўлланмани ўқинг

GreenStar дисплейидаги Қўлда йўналтириш, Экранда харита тузиш, AutoTrac™ ёки John Deere™ Swath Control Pro™ каби GreenStar иловаларини ишлатишдан олдин тўғри ва хавфсиз ишлатишда талаб этиладиган қисмлар ва жараёнларни тушуниш учун бу қўлланмани диққат билан ўқиб чиқинг. Бу қўлланма меню тугмаси

AutoTrac – Deere & Company савдо белгиси
John Deere – Deere & Company савдо белгиси
Swath Control Pro – Deere & Company савдо белгиси

PC10857JC—UN—13APR09

Меню тугмаси

орқали очиш мумкин бўлган GreenStar иловаларини ўз ичига олади.

RN38933,00000F0-UZ-10AUG11-1/1

GreenStar ҳақида асосий маълумотлар

Бу бўлимда GreenStar тизимида мавжуд функциялар тасвирланган. Қўлда йўналтириш ва Экранда харита тузиш иловаларидан фақат лицензия шартномаси шартларига рози бўлгандан сўнггина фойдаланиш мумкин. Қуйидаги опционал фаоллаштиришларни 26 та рақамли фаоллаштириш коди билан харид қилиш ва очиш мумкин:

- **AutoTrac (SF1, SF2 ва RTK)** - Транспорт воситасини маълум бир даражадаги тўғри, эгри ёки мослашувчан йўлакда йўналтиради.
- **PivotPro** - Айланма суғориш тизимига эга далаларда маълум бир даражадаги якка марказли айланаларда транспорт воситасини йўналтиради.
- **Swath Control Pro** - GPS ва маълум бир чегараларга асосланган ҳолда агрегат ёки пуркагич штангасини ЁҚАДИ ва ЎЧИРАДИ.

Ушбу иловаларни фаоллаштириш ҳақида дилерингиз ва http://StellarSupport.com сайтидан кўпроқ маълумот олишингиз мумкин. Ҳар бир Pro модул учун 15 соатлик демо фаоллаштириш дисплейда киритилган.

ҚАЙД: Иловалар StarFire ресивер ёки мос келадиган мустақил ресиверни талаб қилади.

RN38933,00000F1-UZ-10AUG11-1/1

Қўлда йўналтириш

Параллел кузатиш деб ҳам аталадиган қўлда йўналтириш тизими операторга экрандаги ёритгичлар, харита ва овозли оҳанглардан фойдаланган ҳолда йўналиш бўйлаб қўлда бошқаришга имкон беради.

Бундан ташқари, GreenStar дисплейга қўшимча тарзда ишлатиш учун GreenStar™ ёритгичини ҳам қўшиш мумкин. Бу бевосита кўринадиган олд ойнада ўрнатилган қўшимча дисплей билан таъминлайди.

RN38933,00000F2-UZ-10AUG11-1/1

Экранда харита тузиш

Даланинг тўлиқ қамровини таъминлашда экран қамров хариталари операторга кўз билан чамаланадиган мўлжал бўлиб хизмат қилади. Бу пуркаш ва тарқатиш, шунингдек кўчат ўтқазиш ёки тупроққа гербицид ишлов бериб экиш каби далага қараб қамровни кўриш осон бўлмаган операцияларда асосан муҳим саналади.

Ҳар бир дала учун фақат битта қамров харитаси сақланиши ва дала танланмаганда ҳам фақат битта харита сақланиши мумкин. Қамров хариталари оператор ўчириб юборгунга қадар дисплейнинг ички харитасида сақланади.

RN38933,00000F3-UZ-10AUG11-1/1

Чегаралар

Ушбу дисплейда ташқи ва ички чегаралар харитасини тузиш имкони мавжуд:

- **Ташқи чегарада** дала периметри схематик тасвирланади. Ҳар бир дала учун фақат битта шундай схемани сақлаш мумкин.
- **Ички чегарада** ариқ ёки дала йўли каби ишлов берилмайдиган дала ичидаги ҳудуд периметри схематик тасвирланади. Ички чегаралар номланиши лозим ва ҳар бир дала учун бир нечта сақлаш мумкин.

Чегаралар майдонни ҳисоблаш учун фойдали ва Swath Control Pro ёки Sprayer Pro ишлатиш учун талаб этилади. Транспорт воситасини ҳаракатлантирганда чегаралар GPS билан дисплейда ёзиб олиниши мумкин.

RN38933,00000F4-UZ-10AUG11-1/1

AutoTrac

AutoTrac™ ёрдамчи бошқарув тизими бўлиб, машина далада яратилган йўналтириш чизиғи бўйлаб ҳаракатланганлиги учун оператор руль чамбарагидан қўлини олиб юриши мумкин. Оператор олдингидек, қаторларнинг охирида машинани буриши керак бўлади, аммо AutoTrac™ тиклаш тугмасини босиш билан бошқарув яна тикланади ва транспортнинг бошқарувини ён йўлда давом эттириш мумкин.

RN38933,00000F5-UZ-10AUG11-1/1

Swath Control Pro

Swath Control Pro қуйидаги ҳолатларга асосланган ҳолда секцияларни автоматик тарзда ЁҚАДИ ва ЎЧИРАДИ:

- **Олдинги қамров** - Тизим аллақачон қамраб олинган ҳудудга кирганда секцияларни ўчиради.
- **Ташқи чегаралар** - Тизим олдиндан ёзиб олинган ташқи чегарадан чиққанда секцияларни ўчиради. Секциялар чегарага қайтиб кирганида ёқилади.
- **Ички чегаралар** - Ички чегаралар ёки сепилмайдиган ҳудудлар ҳар бир дала учун белгиланиши мумкин. Тизим олдиндан ёзиб олинган ички чегаранинг ичидан ўтганда секцияларни ўчиради. Секциялар чегарадан чиққанда улар ёқилади.

Секциялар ёқилганда экрандаги харита операторга визуал мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Swath Control Pro қуйидаги дастурий таъминотлар мавжуд транспорт ва агрегатлардагина ишлайди:

- SprayStar 5.11 ёки ундан юқорироқ версиялар
- 5430 пуркагич (фақат Европада)
- GS тезлик ростлагичининг барча версиялари
- SeedStar 2 нинг барча версиялари: Сеялкалар, сиқилган ҳаво тўлдирилган баллонли тележкалар ва 1990CCS.

ҚАЙД: 15 соатлик (амалда қўллаш вақти) демо код ҳар бир янги дисплейда мавжуд. Swath Control Pro фаоллаштирилганда 15 соат тескари тартибда саналади ва умумий включатель ёқилади. Демо муддати ўтганда, фаоллаштириш коди Жон Дир дилеридан харид қилиниб, дисплейга киритилмагунча, Swath Control Pro дан фойдаланиб бўлмайди.

RN38933,00000F6-UZ-10AUG11-1/1

Лицензия шартномаси

Дисплей менюсидаги GreenStar саҳифасига илк марта кирганингизда лицензия шартномаси пайдо бўлади. Дисплей харид қилувчиси бўлсангиз, шартномани тўлиқ ўқинг, кейинги “Мен дисплей харид қилувчисиман” катагини текширинг ва шартларга рози бўлсангиз “Розиман” катагини белгиланг.

Лицензия шартномасини маҳаллий Жон Дир дилерингиздан олишингиз ёки http://StellarSupport.com сайтидан кўришингиз мумкин.



Лицензия шартномаси

RN38933,00000F7-UZ-10AUG11-1/1

GreenStar иловаларини фаоллаштириш

МУҲИМ: Фаоллаштириш кодларини киритишдан олдин дисплейда сана ва вақт тўғри киритилиши керак.

Дастурий таъминотларни фаоллаштириш опционал иловаларни ишлатишни талаб этади

- AutoTrac
- PivotPro
- Swath Control Pro

Фаоллаштиришларни Жон Дир дилерингиздан харид қилишингиз мумкин. Дисплей дастурий таъминотини фаоллаштириш кодлари 24 та рақамли StarFire GPS фаоллаштириш кодларидан алоҳида бўлади. Илова фаоллаштириш учун қуйидаги маълумотлар ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

- 6 та рақамли COMAR тартиб рақами (дилердан олинади)
- Дисплей серия рақами (дисплейда жойлашган)
- Техник таъминот рақами (дисплейда жойлашган)
- Дисплей сўрови коди (дисплейда жойлашган)

Сиз харид қилган иловалар учун дилерингиздан 6 та рақамли COMAR тартиб рақамини олганингизда, 26 та рақамли фаоллаштириш кодини олиш учун http://StellarSupport.com сайтига киринг. Қуйидаги босқичлар бўйича боринг:

1. (МЕНЮ > GreenStar > Созламалар > Фаоллаштиришлар)
2. Дисплейда серия рақами ва сўров кодини топинг.
3. http://StellarSupport.com сайтига киринг ва фаоллаштиришлар остидаги “GreenStar иловалари”ни танланг. Сиздан аккаунтга рўйхатдан ўтиш талаб этилиши мумкин.
4. Дисплей моделингизни танланг ва серия рақами, қисм рақами ва сўров кодини киритинг.

PC10857JC—UN—13APR09

PC13916—UN—25JUL11 *Меню тугмаси*

PC10857JF—UN—13APR09 *GreenStar тугмаси*

PC10857JG—UN—13APR09 *Созламалар тугмаси*

Фаоллаштириш тугмаси

5. 26 та рақамли кодни олиш учун эслатмалар бўйича боринг.
6. Дисплейда 26 та рақамли кодни киритинг (Меню > GreenStar > Созламалар > Фаоллаштиришлар > Кодни киритиш).
7. Фаоллаштириш саҳифаси майдонида “Фаоллаштирилди” ёзувини кўрасиз.
8. Бу дисплей дастурий таъминотини фаоллаштириш жараёнини якунлайди. Эслаб қолинг - сиз харид қилган фаоллаштиришлар бошқа GreenStar дисплейларидан ушбу дисплейга ўтказилган бўлиши мумкин.

Фаоллаштириш жараёнида бирор бир савол туғулса ёки муаммо бўлса, AMS мижозлар билан боғланиш марказига қўнғироқ қилинг.

Шимолий Америка: 1-888-953-3373

CZ76372,000034E-UZ-23AUG11-1/1

Фаоллаштиришларни бошқариш

Ҳар бир иловани фаоллаштиришга тегишли бўлган тугмалар ва функциялар ҳар бир фаоллаштиришда ЁҚИШ/ЎЧИРИШ катагини текшириш орқали кўрсатилиши ёки беркитилиши мумкин. Тегишли иловалардан фойдаланиш учун катак текширилиши лозим. Ишлатилмаётган фаоллаштиришларни ЎЧИРИШ орқали уларга тегишли бўлган тугмалар ва функциялар беркитилади, бу эса дисплейда кезишни осонлаштиради.

Демо фаоллаштиришларда ҳар бир иловани 15 соат ишлатиб кўриш имкониятига эгасиз. AutoTrac демо бирламчи созлама орқали ёқилади. Swath Control Pro каби бошқа демо версияни синаб кўриш учун уни ёқинг ва ушбу иловани ёқадиган агрегат контроллери уланган бўлса, Swath Control Pro тугмалари ва функциялари дисплейда кўрсатилади.

GreenStar асосий саҳифаси >> Созламалар >> Фаоллаштиришларга ўтинг

МУҲИМ: Тегишли функция ўрнатилиб, ишга туширилган бўлса, демо фаоллаштиришларни ЎЧИРИШ фаоллаштириш вақтини тескари ҳисоблашдан тўхтатмайди. Ушбу ҳолатда шунчаки тегишли тугмалар беркитилади.



RN38933,00000F9-UZ-10AUG11-1/1

GreenStar функцияларини блоклаш

Иш тамойили

Киришларни бошқарувчисидан фойдаланувчи дисплейдаги деярли исталган функцияга киришда фойдаланилади. Фойдаланувчи ишини соддалаштириш ва тасодифий созламалар ўзгаришларини камайтириш учун оператор функцияларни блоклаб қўйиши мумкин. Функциялар “Оператор режими” учун қулфланганда “Фойдаланувчи режими”га кириш ва ушбу функциялардан фойдаланиш учун парол талаб этилади. Амалдаги паролни хабар марказидан тиклаш мумкин. У 62-диагностика манзилида сақланади. Диагностика манзилларини кўриш ҳақида маълумот учун “Муаммоларни ҳал қилиш ва диагностика” бўлимига қаранг.

Бир нечта дисплей билан ишлаш

GS3 2630 дисплей Жон Дир транспорт воситасининг бурчак устунида ўрнатилиши мумкин, ушбу транспорт воситаларнинг тирсакқўйгичида ҳам киришларни бошқариш администратори ишлаб турадиган дисплей мавжуд бўлади. Ушбу ҳолатда киришларни бошқариш администратори созламалари ва режими дисплейлар орасида автоматик равишда ЎТКАЗИЛМАЙДИ ва ҳар бир дисплейда кириш маълумотлари алоҳида киритилиши керак.

RN38933,00000FA-UZ-10AUG11-1/1

GreenStar бош саҳифаси

GreenStar бош саҳифаси GreenStar функцияларига кириладиган марказ саналади ва унда айни пайтда танланган мижоз, ферма, дала ва йўналтириш йўлаги кўрсатилади.

ҚАЙД: Айрим тугмалар ва функционал клавишлар улар билан боғлиқ қурилма ёки функциялар уланганда ёки мос тарзда фойдаланилгандагина пайдо бўлади.



GreenStar бош саҳифаси

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-1/10

Созлаш устаси – Ишлатишдан олдин якунланиши керак. Ҳар бир босқични тизимнинг оптимал иш самарадорлигига мўлжаллаб амалга оширинг.

PC10857JH—UN—13APR09

Созлаш устаси

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-2/10

Иш - Тизимингиз созланган бўлса, Иш саҳифасига қайтаради.

PC10857JI—UN—13APR09

Иш

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-3/10

Йўналтиришни тез алмаштириш - Кузатиш режимини ўзгартиради ёки йўлакни таҳрирлайди

PC10857JJ—UN—13APR09

Йўналтиришни тез ўзгартириш

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-4/10

Далани тез алмаштириш - Далани алмаштиради ёки чегара яратади

PC10857JK—UN—13APR09

Далани тез алмаштириш

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-5/10

Оралиқни тез алмаштириш - Агрегат кенглиги ва йўлак оралиғини ўзгартиради

PC13230—UN—31MAR11

Оралиқни тез алмаштириш

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-6/10

GreenStar диагностикаси

PC10857JL—UN—13APR09

GreenStar диагностикаси

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-7/10

GreenStar созламалари

PC10857JF—UN—13APR09

Созламалар туғмаси

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-8/10

Ёрдам - Чап томонда ёрдам матнини чиқаради

PC10857JM—UN—13APR09

Ёрдам

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-9/10

GreenStar тугмасини танлаш орқали GreenStar иловасидаги саҳифалардан GreenStar бош саҳифасини чиқаради.

PC13916—UN—25JUL11

GreenStar туғмаси

RN38933,0000072-UZ-10AUG11-10/10

Созлаш устаси

Созлаш устаси сизни GreenStar тизимингиз созламаларига йўналтиради.

Созлаш устасида иккита созлаш режими мавжуд:

- **Асосий режим** тўғри йўлакка йўналтириш учун тезкор созлама саналади ва бошқа барча созлаш маълумотларини бирламчи созламаларга қўяди.
- **Стандарт режими** фойдаланувчини дала номлари, эгри йўлакда йўналтириш ва ҳужжатлардан фойдаланиш учун зарур барча созламаларга олиб боради.

МУҲИМ: Қурилма силжишини тўғри созламасдан содир бўлиши мумкин бўлган харита тузиш ноаниқликлари туфайли эгри йўлакда йўналтиришда ёки Swath Control Pro иловасида асосий режимдан фойдаланиш ТАВСИЯ ҚИЛИНМАЙДИ.

Созлаш устаси керакли маълумотларни киритмасдан туриб давом этишга йўл қўймайди, шу боисдан маълумот киритиладиган барча катакларда тўғри маълумот киритиш муҳимдир.

AutoTrac, Swath Control Pro билан ишлайсизми ёки қамров харитасини тузиш биланми, нима билан ишлашингиздан қатъи назар, тўғри созлаш муҳимдир. Машина ва агрегат ўлчамлари қайд қилинган харита аниқлигига ва машина йўналтириш йўлагидан қанчалар тўғри боришига таъсир қилади. Далаларни номлаш қамров хариталарини сақлаш ва дала орқали чизиқларга йўналтириш имконини беради.

Бошқарув маълумотларини созлашда ёрдам учун муҳим бўлган GreenStar Apex дастурий таъминотларидан фойдаланишингиз мумкин. Мижозлар, ферма, дала ва агрегат номлари каби созлаш маълумотларини Apex'да яратиб, дисплейга ўтказиш мумкин. Apex'дан фойдаланиб, машина ва агрегат ўлчамлари Жон Дир орқали тақдим этилган маълумотлар базасидан юкланиши мумкин.

PC10857JH—UN—13APR09

Созлаш устаси тугмаси



Созлаш устаси экрани

МУҲИМ: Машинани ўт олдириш калити ёрдамчи режимда бўлганда ўзгаришлар қилинса, калитни ўчиқ ҳолатга буранг ва қайта ўт олдиришдан олдин дисплей тўлиқ ўчишини кутинг. Бу дисплейни ўчириш ва созлаш маълумотларини доимий хотирага сақлаш имконини беради. Кейинги, олдинги ёки GreenStar асосий менюси тугмалари босилганда, созлаш устасида киритишларга қилинган ўзгаришлар доимий хотирага сақланади.

ҚАЙД: Жон Дир маълумотлар базасидан юкланган машина ва агрегат ўлчамларини қурилмангизнинг ягона вариацияларини ҳисобга олиб ўзгартиришга тўғри келиши мумкин.

GreenStar иловаларини ишлатиш учун GPS ресивер талаб этилади.

Мижозлар, фермалар, далалар ва йўналтириш чизиқлари каби кўпчилик созлаш қисмларига 250 тагача номлар киритилиши мумкин.

RN38933,0000112-UZ-10AUG11-1/1

Асосий созлаш режими

Асосий созлаш устаси фақат тўғри йўналтиришни амалга ошириш учун зарур бўлган энг муҳим операцияларни бажаради. Бошқа барча созламалар бирламчи катталикларга қўйилади. Ҳар қандай йўналтириш чизиқлари ёки қамров хариталари глобал йўналтириш чизиқлари ва хариталари сифатида сақланади. ҲЕЧ ҚАНДАЙ дала номи сақланмагандагина глобал йўналтириш чизиқлари ва хариталардан фойдаланиш мумкин. Ушбу режимдан фойдаланилганда фойдаланувчи қамров харитасини кўпроқ тозалаб туришига тўғри келади.

Ҳар қандай созлама стандарт созлаш режимидан фойдаланиб ўрнатилган бўлса, ушбу созламалар асосий созлаш режимига кирилганда бирламчи созламаларгача тикланади. Ушбу созламалар Стандарт режими ёки Бош саҳифадаги тез алмаштириш тугмаларидан фойдаланиб қайта танланиши мумкин.

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-1/7

1. Асосий уста тугмасини танланг.

PC13195—UN—24MAR11

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-2/7

2. Йўллар оралиғидаги изларни кераклича қопланиши ва ёки ташлаб ўтилишини аниқлаш учун керакли Йўлак оралиғини киритинг.



PC13920—UN—28JUL11

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-3/7

3. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-4/7

4. Қамровни ёзиб олишни ЁҚИШ ва ЎЧИРИШ учун ёзиб олиш манбаини танланг.

ҚАЙД: Ёзиб олишни ёқиш учун минимум юриш тезлиги 1.6 км/с (1.0 мил/с) ва агрегат контроллерига боғлиқ.

Машина ёки агрегатингиз автоматик ёзиб олиш манбаси билан жиҳозланган бўлса, рўйхат ойнасида “Auto” сўзи ҳосил бўлади ва у ўчирилади.



PC13921—UN—28JUL11

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-5/7

5. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000113-UZ-10AUG11-6/7

6. Кузатиш режимини тўғри йўлакка қўйинг ва йўлак номини киритинг. Ном яратилганда, кузатиш чизиғини ўрнатинг. Йўналтириш чизиқларини ўрнатиш ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун “Йўналтириш йўлагини созлаш” режимига қаранг. Йўналтириш чизиғи ўрнатилганда, дисплей ишлашга тайёр бўлади.



RN38933,0000113-UZ-10AUG11-7/7

Стандарт созлама режими

Функциялар билан тўлиқ ишлаш учун Стандарт созлаш устаси йўналтириш, ҳужжатлар ва Swath Control Pro учун амалга оширилиши лозим бўлган дисплейнинг турли бўлимларини кўриб чиқади.

Маълумотларнинг барчаси саҳифада тўлдирилгач, кейинги бўлимда давом этиш учун “Кейинги” тугмасини босинг.

PC13200—UN—25MAR11

Стандарт созлама

RN38933,0000114-UZ-10AUG11-1/1

Машина

1. **Машина турини** (трактор, комбайн ёки пуркагич) танланг. Дисплей машинани автоматик аниқлаганда ушбу рўйхат ойнасидан фойдаланиб бўлмайди.
2. Фойдаланилаётган **машина модели** рақамини танланг ёки яратинг. Тушувчи рўйхат Жон Дир транспорт воситаларининг айримлари билан олдиндан тўлдирилган.
3. **Машина номини** танланг ёки яратинг. Ном кейинроқ қайси машина ишлатилаётганлигини аниқлаш учун қўлланилади. Масалан, ишингизда иккита 8430 бўлса, машина номлари шунчаки “1” ва “2” бўлиши мумкин.

ҚАЙД: Машинага тегишли созламалар, силжиш ўлчамлари машина номига сақланади.

Машина автоматик равишда танилганда, айрим рўйхат ойналаридан фойдаланиб бўлмайди.



Машинани созлаш саҳифаси

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-1/9

PC10857JS—UN—13APR09

Орқада қотирилган 3 нуқтали

PC10857JT—UN—13APR09

Орқа шарнирли 2 нуқтали

4. Уланиш турини танланг. Қуйидаги опциялар мавжуд (мисоллар кўрсатилган):
   - Орқада қотирилган 3 нуқтали
   - Орқа шарнирли 2 нуқтали
   - Орқа шарнирли шатак рамаси
   - Орқа шарнирли тележка тиркама
   - Олд қотирилган 3 нуқтали (масалан, комбайн ўроғи ёки олд уланган косилка-эзгич)

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-2/9

PC10857JU—UN—13APR09

Орқа шарнирли шатак рамаси

PC10857JV—UN—13APR09

Орқа шарнирли тележка тиркама

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-3/9

PC10857JW—UN—13APR09

Олд қотирилган 3 нуқтали

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-4/9

5. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-5/9

6. Схемада кўрсатилгани каби машинангизда бошқарилмайдиган ўқни ўзгартириш учун **Бошқарилмайдиган ўқ тугмасини** танланг. Қуйида айрим бошқарилмайдиган ўқ жойлашувлари рўйхати келтирилган:
   - Чопиқ трактори (ғилдирак) орқа ўқи
   - Йўлак трактори орқа ўқи (Нуқта одатда орқа ўқнинг олд томонида жойлашган. Нуқтани топишнинг энг яхши усули тяганинг меъёрий юкламаси ва ишлатилган балласт билан ишлаш тезлигида далада бир айланишдир. Тупроқ ташқи из ҳосил қилишни бошлаган жой ўлчаш нуқтаси саналади.)
   - (4wd) Тўлиқ узатма олд ўқи
   - Ўзиюрар пуркагич орқа ўқи
   - Комбайн ва SPFH олд ўқи

PC10857JX—UN—13APR09

Бошқарилмайдиган ўқ тугмаси

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-6/9

7. Сиздаги ресивер созламасига кўра GPS ресивер ҳаракатланиш йўналишига ўзгартириш учун **Ён ресиверннг оғиш тугмасини** танланг. Агар сизнинг ёнга силжишингиз нолга тенг бўлса, йўналишнинг аҳамияти йўқ.

PC10857JY—UN—13APR09

Ён ресиверннг оғиш тугмаси

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-7/9

8. Машина силжишларини киритинг. Ушбу силжишлар харита тузиш ва эгри йўлак аниқлигида ташлаб кетиш ёки қоплашни бартараф қилишда ишлатилади.
   1. Машинанинг марказий чизиғидан GPS ресивернинг марказигача бўлган масофа ён масофа. Бу масофа кўпинча нолга тенг.
   2. Бошқарилмайдиган ўқдан GPS ресивер марказигача бўлган тўғри чизиқли масофа горизонтал ўлчанади.
   3. Бошқарилмайдиган ўқдан улаш/шарнир нуқтасигача масофа тўғри чизиқли масофа саналади.

   Улаш/бурилиш нуқтаси трактор агрегатга (шатак рамаси, тиркама) уланадиган жойда бўлади, 2 нуқтали айланадиган агрегатлар бундан мустасно. Бундай ҳолатда тиркама орқасидан зудлик билан бурилиш нуқтасигача бўлган масофани ўлчанг.

ҚАЙД: Машина силжишларини аниқ белгилаш учун рулеткадан фойдаланинг.



GreenStar машинаси

Ушбу силжишлар машина номида сақланади.

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-8/9

9. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

RN38933,0000115-UZ-10AUG11-9/9

Агрегат

1. Агрегат турини (масалан, сеялка, тупроққа ишлов бериш, ғалла сеялкаси) танланг. Дисплей агрегатни автоматик аниқлаганда ушбу рўйхат ойнаси автоматик тўлдирилади ва ундан фойдаланиб бўлмайди. Агар сизда бириктирилган агрегат бўлмаса, бошқасидан фойдаланинг.
2. Фойдаланилаётган агрегат модели рақамини танланг ёки яратинг. Тушувчи рўйхат Жон Дир транспорт воситаларининг айримлари билан олдиндан тўлдирилган.
3. Агрегат номини танланг ёки яратинг. Ном кейинроқ қайси агрегат ишлатилаётганлигини аниқлаш учун қўлланилади. Масалан, ишингизда иккита 1990 сеялкалари бўлса, агрегат номлари шунчаки “1” ва “2” бўлиши мумкин.

ҚАЙД: Агрегатга тегишли созламалар, силжиш ўлчамлари агрегат номига сақланади.

Агрегат автоматик равишда танилганда, айрим рўйхат ойналаридан фойдаланиб бўлмайди.



GreenStar агрегати

Ушбу дисплейда бир вақтнинг ўзида фақат битта агрегатни созлашга рухсат этилади. Агар бирдан ортиқ агрегат, масалан сиқилган ҳаво баллонли тележка ва экиш қурилмасини ишлатаётган бўлсангиз, сизни қизиқтирган агрегат (экиш қурилмаси) учун созламани якунланг.

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-1/7

4. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-2/7

5. Агрегатингиз созламасига мувофиқ агрегат силжиши йўналишини ўзгартириш учун **Агрегатни ёнга силжитиш тугмасини** танланг. Агар сизнинг ёнга силжишингиз нолга тенг бўлса, йўналишнинг аҳамияти йўқ.
6. **Агрегат силжишларини** киритинг. Ушбу силжишлар транспортга нисбатан амалдаги агрегат ҳолатини аниқлаб беради. Бу қамроқ харитасини тузиш ва Swath Control Pro учун ташлаб кетиш ёки устма-устликларни бартараф қилишда муҳимдир.
   1. Уланиш/бурилиш нуқтасидан агрегатнинг дастлабки ишлаш нуқтасигача бўлган тўғри чизиқли масофа.
   2. Агрегатнинг тўғри чизиқли ишчи узунлиги.
      a. Ер устида ишлайдиган асбобларда бу тебранишларнинг олд қаторидан орқа қаторигача бўлган масофадир.
      b. Стандарт экиш машинаси ёки илашмали пуркагичда бу ўлчам нолга тенг ва 1 силжиш уруғ тушиш жойи ёки пуркагич штангасигача узаяди.

   ҚАЙД: 1-силжиш + 2-силжиш = Swath Control Pro секцияларни қўшиш/ажратиш учун фойдаланадиган нуқта.

   3. Уланиш/бурилиш нуқтасидан агрегатнинг бошқариш нуқтасигача бўлган ён масофа. Ушбу силжиш кўпчилик агрегатлар учун нолга тенг. Тиркама ригели ростланадиган бўлмаса, силжиш агрегатлари намуналари 38 см жуфт сонли (15 дюйм) қаторларга эга (масалан, 24R15 ёки 32R15) ажратилган қаторли сеялкалар ва сеялка-эзгичларни ўз ичига олади.
   4. Уланиш/бурилиш нуқтасидан агрегатнинг бошқариш нуқтасигача бўлган тўғри чизиқли масофа. Бу масофа 3 нуқтали уланган агрегатлар учун нолга тенг.

Улаш/бурилиш нуқтаси транспорт воситаси агрегатга (шатак рамаси, тиркама) уланадиган жойда



PC10857KF—UN—13APR09 *GreenStar агрегати*

бўлади, 2 нуқтали айланадиган агрегатлар (масалан, катта экиш машинаси) бундан мустасно. Бундай ҳолатда тиркама орқасидан зудлик билан бурилиш нуқтасигача бўлган масофани ўлчанг.

Агрегатнинг ишлаш нуқтаси ишлатишга боғлиқ равишда ер билан тутатиш, пуркагич штангаси, уруғ туташадиган ёки уруғ тушадиган нуқтадир.

Агрегатнинг бошқариш нуқтаси одатда қотирилган ғилдиракларнинг маркази саналади. Комбайн ўроқларида бу ҳосил йиғиладиган нуқтадаги ўроқ марказидир.

ҚАЙД: Агрегат силжишларини аниқ белгилаш учун рулеткадан фойдаланинг. Ушбу ўлчамлар далада бир марта ростланиши мумкин, чунки агрегат ер билан ишлаганда ўлчамлар ўзгаради.

Ушбу силжишлар агрегат номида сақланади.

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-3/7

7. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-4/7

8. Танлаш орқали агрегат кенглиги ва Йўлак оралиғи учун киритиш турини (умумий кенглик ёки қаторлар сони) танланг. Айрим ҳолатларда Йўлак оралиғи қаторлар сонида киритилганда аниқлик даражасига эришиш мумкин.

ҚАЙД: Катталик киритилганидан сўнг киритиш турини алмаштириш катталик аниқлигини камайтириши мумкин.

9. Агрегат кенглигини киритинг. Бу агрегат/штанганинг жорий қамров майдони ва самарадорлик мониторида умумий майдонни ҳисоблашда ишлатилиши мумкин.

PC10857KB—UN—13APR09



(фут)(қаторлар)

ҚАЙД: Дисплей агрегат контроллерини, масалан SeedStar2, автоматик аниқлаганда ушбу рўйхат ойнаси автоматик равишда тўлдирилади ва ундан фойдаланиб бўлмайди.

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-5/7

10. Йўллар оралиғидаги керакли устма-устлик ёки ташлаб ўтишни аниқлаш учун AutoTrac, Параллел кузатиш ва Қамров харитасини тузишда ишлатиладиган керакли Йўлак оралиғини киритинг.

    Масалан:

    - Қарама-қарши йўналишларда ён йўлларга эга 1 фут умумий устма-устлик ва 30 фут агрегатда 29.5 фут киритинг.
    - Устма-устлик бўлмаганда агрегат кенглигича катталикни киритинг.





RN38933,0000116-UZ-10AUG11-6/7

11. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

RN38933,0000116-UZ-10AUG11-7/7

Ёзиб олиш манбаи

1. Қамровни ёзиб олишни ЁҚИШ ва ЎЧИРИШ учун ёзиб олиш манбаини танланг. Қуйидагилар фойдаланиш мумкин бўлган ёзиб олиш манбалари опциялари саналади ва улар транспорт воситаси турига боғлиқ:

   - Қўлда ёзиб олиш
     Оператор Иш саҳифасида Ёзиб олиш тугмасини босади.
   - Автоматик
     Ёзиб олиш контроллер томонидан амалга оширилади
   - Орқа 3 нуқтали тиркама
   - SCV I – SCV VI
   - Олд PTO
   - Орқа PTO
   - Агрегат қўшгичи очиқ
   - Агрегат қўшгичи ёпиқ

ҚАЙД: Ёзиб олишни ёқиш учун минимум юриш тезлиги 1.6 км/с (1.0 мил/с) ва агрегат контроллерига боғлиқ.



PC13554—UN—03MAY11

Машина ёки агрегатингиз автоматик ёзиб олиш манбаси билан жиҳозланган бўлса, рўйхат ойнасида "Auto" сўзи ҳосил бўлади ва у ўчирилади.

RN38933,0000117-UZ-10AUG11-1/6

PC13203—UN—25MAR11

Қўлда ёзиб олиш

PC10857XJ—UN—16JUN10

Қўлда ёзиб олиш тугмаси

RN38933,0000117-UZ-10AUG11-2/6

PC13204—UN—25MAR11

Орқа 3 нуқтали тиркама

PC13205—UN—25MAR11



RN38933,0000117-UZ-10AUG11-3/6

PC13206—UN—25MAR11

Олд PTO

PC13207—UN—25MAR11

Орқа PTO

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000117-UZ-10AUG11-4/6

PC13208—UN—25MAR11



Агрегат қўшгичи очиқ

PC13209—UN—25MAR11



Агрегат қўшгичи ёпиқ

RN38933,0000117-UZ-10AUG11-5/6

2. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

RN38933,0000117-UZ-10AUG11-6/6

Дала

“Select a Field” катагини белгиланг. Бу фойдаланувчига мижоз, ферма ва дала номларини киритиш имконини беради.

Рўйхатни бошқариш

Дала экранидаги тушувчи рўйхатлар <Рўйхатни бошқариш> опциясига эга. Ушбу қисм танланганда, Маълумотларни тозалаш экрани тушувчи рўйхатдан қисмларни олиб ташлашда фойдаланилади.

Далани созлаш

1. Мижоз номини танланг ёки яратинг. Ферма ва далалар мижоз томонидан ташкил этилади. Мижозлар сервис таъминотчилари учун муҳимдир, аммо кўпчилик операторлар учун мижоз ҳар доим бир хил.
2. Ферма номини танланг ёки яратинг.
3. Дала номини танланг ёки яратинг. Қамров хариталари ва йўналтириш излари дала томонидан ташкил этилади.

   Далани танламасдан “Глобал” қамров хариталари ва йўналтириш изларини яратишингиз мумкин. Бир вақтнинг ўзида фақат битта глобал қамров харитаси сақланиши мумкин. Дала танланган бўлса, глобал йўналтириш изларини танлаб бўлмайди.



PC13555—UN—03MAY11

Мижоз, ферма ва дала номи

RN38933,0000118-UZ-10AUG11-1/2

4. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги тугмаси

RN38933,0000118-UZ-10AUG11-2/2

Йўналтириш йўлагини созлаш

Йўналтириш йўлаги

ДИҚҚАТ: AutoTrac фаоллаштирилганида, йўлак охирида рулни бошқариш ва тўқнашувнинг олдини олишга оператор масъул бўлади. Катта йўлда кетаётганда AutoTrac тизимини ёқишга (фаоллаштириш) уринманг.

Ҳар доим катта йўлларга чиқишдан олдин AutoTrac тизимини ўчиринг (фаол ҳолатдан чиқаринг). AutoTrac тизимини ўчириш учун STEER OFF кўрсатилгунча, STEER тугмасини ёқинг/ўчиринг.

Йўналтириш йўлагини яратиш, таҳрирлаш ёки танлаш Созлаш устасининг сўнгги босқичи саналади.



GreenStar йўналтириш

1. Қўлда йўналтириш ёки AutoTrac учун Кузатиш режимини танланг. Кузатиш режимлари ҳақида кўпроқ маълумот учун “Йўналтириш билан ишлаш” бўлимларига қаранг

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-1/9

- Тўғри йўлак - Тўғри чизиқли параллел йўллардан фойдаланади.

PC10857KS—UN—14APR09

Тўғри йўлак

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-2/9

- AB эгри чизиқлари - Параллел йўлларни ҳосил қилишда эгри чизиқлар иккита якуний нуқтага эга (бошланиш ва якунланиш) қўлда бошқариладиган эгри йўлдан фойдаланади.

PC10857KT—UN—14APR09

AB эгри чизиқлари

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-3/9

- Мослашувчан эгри чизиқлар - қўлда бошқариладиган бошланғич йўлдан фойдаланади, сўнгра олдинги йўлнинг бошига йўналтиради

PC10857KU—UN—14APR09

Мослашувчан эгри чизиқлар

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-4/9

- Айлана из (фақат “Pivot Pro” фаоллаштиришда фойдаланиш мумкин) - Концентрик айланаларни (йўлаклар) аниқлаш учун марказий бурилиш жойлашувидан фойдаланади.

PC10857KV—UN—14APR09

Айлана йўлак

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-5/9

- Қаторни ёритиш - Битта йўл охирини белгилаш ва кейинги йўлга операторни йўналтириш учун қаторли экин қурилмаларида ишлатилади.

Йўналтиришдан фойдаланишни истамасангиз, йўналтиришни ЎЧИРИШни танланг ва Кейинги тугмасини босинг.

2. Агар тўғри йўлак, АВ эгри чизиқлар ёки айлана кузатиш режими танланган бўлса, хотирада сақланган йўналтириш йўлагини танланг ёки яратиладиган янги йўналтириш йўлагини номланг.

ҚАЙД: Рўйхатда фақат танланган дала учун йўналтириш йўлаги пайдо бўлади. Агар дала танланмаган бўлса, глобал йўлаклар рўйхатда пайдо бўлади ёки яратилади.

PC10857MB—UN—14APR09

Қаторни ёритиш

- Олдиндан белгиланган йўлакни танлаган ва уни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, **Йўлакни таҳрирлаш** катагини танланг.

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-6/9

- Танланган йўлак билан боғлиқ барча силжитишларни тозалаш учун **Силжитишларни тозалаш** тугмасини босинг.

PC10857KW—UN—14APR09

Силжитишларни тозалаш

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-7/9

- Танланган йўлакни хотирадан ўчириш учун **Йўлакни ўчириш** тугмасини босинг.

PC10857XK—UN—16JUN10

Йўлакни ўчириш

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-8/9

3. Кейинги тугмасини танланг.

Ҳар бир кузатиш режимида йўналтириш йўлаклари яратиладиган босқичлар учун ЙЎНАЛТИРИШ БИЛАН ИШЛАШ бўлимига қаранг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги

RN38933,0000051-UZ-26JUL11-9/9

Йўналтириш йўлагини қайта созлаш

Созлаш устаси якунлангандан сўнг Йўналтириш йўлагини созлаш саҳифасига ўтиш ва янги йўналтириш чизиғини ўзгартириш ёки яратиш учун ИШ саҳифасида ёки GreenStar БОШ саҳифасида ЙЎНАЛТИРИШНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ тугмасини босинг.

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JJ—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

Йўналтиришни тез ўзгартириш

RN38933,0000052-UZ-25JUL11-1/1

GreenStar иш саҳифаси

Созлаш устаси якунлангандан сўнг йўналтириш ва харита тузиш билан ишлаш учун Иш саҳифасидан фойдаланинг. GreenStar БОШ саҳифасидаги ИШ тугмасини танлаш орқали Иш саҳифасига киринг.

Йўлакдан оғиш хатоси (A) - Йўлакдан оғиш хатоси катакда ракам билан кўрсатилади. Йўлакдан оғиш хатоси сантиметрда (дюйм) 99 см (35 дюйм) гача қийматларда акс эттирилади. Йўлакдан оғиш хатоси 99 см (35 дюйм) дан ошиб кетса, кўрсатиладиган масофа метрларга (фут) ўзгаради.

Йўлак рақами (B) - Транспорт йўналаётган йўлак рақамини кўрсатади. У, шунингдек, дала учун бошланғич 0-йўлакдан йўлак жойлашган масофани ҳам кўрсатади.

Йўналтириш белгиси (C) - Белги машина ва агрегатни нисбий ўлчамларда кўрсатади. Машинадаги учбурчак бошқариш нуқтасини кўрсатади, ундан машинани йўналтириш учун фойдаланилади ва у машинанинг оғиш ўлчамларига бўйича аниқланади.

GPS индикатор (D) — StarFire ресивери айни пайтда аниқликнинг қайси даражасида ишлаётганлигини кўрсатади (3D, SF2, SF1, RTK). StarFire ўрнига GPS ресивердан фойдаланилса, 3D GPS кўрсатилади, аммо индикатор диаграммаси тўлмайди.

AutoTrac ҳолат доираси (E) — (AutoTrac бўлимига қаранг)

Ички чегара (F)

Swath Control Pro ҳолат сатри (G)

Йўналиш аниқлиги индикатори (H) - йўлак оғиш хатосининг визуал индикатори. Индикатор йўлак оғиш хатоси катагининг ҳар бир томонида жойлашган саккизта катакдан иборат. Катаклар ёнади ва транспорт АВ чизиққа қайтиши учун бурилиши керак бўлган



PC10857JI—UN—13APR09 *GreenStar иш саҳифаси*

ИШ

A—Йўлакдан оғиш хатоси
B—Йўлак рақами
C—Йўналтириш белгиси
D—GPS индикатори
E—AutoTrac ҳолат доираси
F—Ички чегара
G—Swath Control Pro ҳолат сатри
H—Йўналиш аниқлиги индикатори
I—Қамров
J—Ташқи чегара

йўналишни кўрсатади. Ҳар бир стрелка масофани кўрсатади (бирламчи созлама 10 см (4 дюйм)). Ушбу масофа ва бошқариш йўналиши Ёритгич созламалари саҳифасида аниқланиши мумкин.

Қамров (I)

Ташқи чегара (J)

ҚАЙД: Ушбу тугмалар билан боғланган қурилма ёки функциялар уланганда ёки мавжуд бўлгандагина, масалан, AutoTrac тугмалари, айрим клавишлар пайдо бўлади.

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-1/21

AutoTrac бошқарувини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ – AutoTrac тизимини ёқади ва ўчиради

PC10857LA—UN—14APR09

AutoTrac бошқарувини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-2/21

AutoTrac бошқаруви сезувчанлигини ошириш

Бошқарув сезувчанлиги қиймати AutoTrac созламалар саҳифасида ҳам киритилиши мумкин.

PC10857LB—UN—14APR09

AutoTrac бошқаруви сезувчанлигини ошириш

Давоми кейинги бетда

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-3/21

AutoTrac бошқаруви сезувчанлигини камайтириш

PC10857LC—UN—14APR09

AutoTrac бошқаруви сезувчанлигини камайтириш

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-4/21

Ёзиб олишни ЁҚИШ/ЎЧИРИШ - Қўлда ёзиб олиш манбаси танланганда, қамров қайдини ЁҚАДИ ва ЎЧИРАДИ.

PC10857XJ—UN—16JUN10

Ёзиб олишни ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-5/21

Тез алмашадиган йўналтириш - Йўналтириш йўлагини яратиш ёки ўзгартириш учун Йўналтиришни созлашга тез ўтказади.

PC10857JJ—UN—13APR09

Йўналтиришни тез ўзгартириш

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-6/21

ShiftTrack – Галдаги Йўлакни силжитиш тугмаларига ўтказади. Йўлакни силжитиш машина ҳолатини ўрнатилган йўлакнинг чапига, марказига ёки ўнггига ростлаш учун ишлатилади. Йўлакни силжитиш функциясидан GPS силжишини ўрнини тўлдириш учун фойдаланиш мумкин. Силжиш исталган сунъий йўлдошга асосланган, дифференциал тўғриланган GPS тизимига хосдир.

PC10857NC—UN—24SEP09

ShiftTrack

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-7/21

Йўлакни чапга силжитиш - Йўлакни чапга силжитиш барча йўналтириш йўлакларини чапга силжитади.

PC10857LE—UN—14APR09

Йўлакни чапга силжитиш

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-8/21

Йўлакни ўнгга силжитиш - Йўлакни ўнгга силжитиш барча йўналтириш йўлакларини ўнгга силжитади.

PC10857LF—UN—14APR09

Йўлакни ўнгга силжитиш

RN38933,0000053-UZ-10AUG11-9/21

Йўлакни марказга силжитиш

D—Қўлда бошқариладиган қайта тиклаш йўли



PC9029—UN—17APR06



PC9030—UN—17APR06

CZ76372,00001C4-UZ-05OCT10-1/1

Айлана йўлак тизимида йўналтириш тизимини ишлатиш

Иш тамойили

Айлана йўлак операторларга айлана суғориладиган далада концентрик айланалар билан ишлаш имконини беради. Операторлар турли усуллардан фойдаланиб дастлабки айланини яратиши мумкин. Дастлабки айлана аниқлаб олиниши билан далада ундан кейинги барча айланалар яратилади.

Айлана йўлак режимидан Қўлда йўналтиришда фойдаланиш мумкин, аммо айлана йўлакдаги AutoTrac тизими учун ҳам AutoTrac, ҳам Pivot Pro фаоллаштириш талаб этилади. Pivot Pro фаоллаштириш фақат Шимолий Америкада мавжуд.

Айлана марказининг кенглик ва узунлик координаталари сақланади ва дала номига бирлаштирилади. Айлана маркази аниқланганда дала танланмаса, Глобал айлана марказлари сақланади. Айлана марказларидан келажакда келажакда ҳам қайта фойдаланиш мумкин.

OUO6050,00010C1-UZ-12APR09-1/1

Янги айлана йўлагини яратиш

Айлана йўлаклари айлаланинг марказий нуқтасини аниқлаш орқали яратилади. Марказий нуқтани аниқлашнинг иккита усули мавжуд:

АЙЛАНА ЙЎЛАК режимини танланг ва Созлаш устасидаги (ЙЎНАЛТИРИШ ЙЎЛАГИНИ СОЗЛАШ) якуний саҳифада йўлак номини танланг ёки яратинг.

ҚАЙД: Ушбу саҳифага тез ўзгартириш бўйича кўрсатма тугмачаси ёрдамида ҳам киришингиз мумкин.

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JJ—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

RN38933,0000066-UZ-25JUL11-1/1

Айлана юриш усули

- Айлана юриш - Исталган айлананинг камида 10 фоизини юриш орқали айлана йўлакни ҳосил қилади. Айлана марказини оптимал ҳисоблаш ва йўлак аниқлиги юқорироқ бўлиши учун тўлиқ айлана юриш тавсия этилади.
- Кенглик/узунлик - Фойдаланувчи томонидан аниқланган айлананинг марказидаги маълум бир кенглик ва узунлик нуқтасидан айлана йўлагини ўрнатади.

1. Айлана йўлни босиб ўтиш учун даладаги керакли жойга ҳайданг.
2. Айлана ёзиб олишни бошлаш тугмасини босинг.
3. Керакли айлана йўлдан ҳайданг.
4. Айлана ёзиб олишни якунлаш тугмасини босинг. Айлана йўлаклар Созлаш устасида белгиланган Йўлак оралиғи билан автоматик равишда яратилади.

ҚАЙД: Марказий нуқтани ҳисоблаш учун айлананинг етарлича қисми юрилган бўлса, Айлана ёзиб олишни якунлаш тугмаси пайдо бўлади.

OUO6050,00010C3-UZ-12APR09-1/1

Кенглик/узунлик методи

1. Марказий нуқта кенглиги ва узунлигини танланг.
2. Айлана маркази учун кенглик ва узунлик қийматларини ўнлик даражаларда киритинг. Киритиш экрани илк марта кўрсатилганда, дала билан боғлиқ олдинги кенглик ва узунлик қийматлари акс эттирилади.
3. Қабул қилиш тугмасини танлаб қийматларни сақланг.

Айлана йўлаклар Созлаш устасида белгиланган Йўлак оралиғи билан автоматик равишда яратилади.

ҚАЙД: Транспортни айлана суғориладиган минорада текислаш ёки йўлаклар транспорт билан бир текис жойлашиши учун йўлакни марказга суришдан фойдаланишга зарурият бўлиши мумкин.

OUO6050,00010C4-UZ-12APR09-1/1

Айлана йўлакда йўналтириш

Айлана йўлакда ишлаганда йўлакларда муайян тартибда бошқарувга зарурият йўқ. Масштаблаш даражангизга қараб, кўрсатилиши мумкин бўлган барча йўлаклар қалинроқ чизиқ билан ифодаланган энг яқин йўлак билан экранда кўрсатилади. Йўлак рақами йўл аниқлиги индикатори пастки қисмида кўрсатилади ва янги йўлак яқинлашганлиги учун тизим томонидан автоматик равишда янгиланади. Машина икки йўлак ўртасига етганда, йўлак рақами ўзгаради.

Йўлакдан оғиш хатолиги масофаси йўл аниқлиги индикаторида кўрсатилади. Бу рақам машина энг яқин йўлакдан қанча узоқликда жойлашганлигини кўрсатади. Хатолик рақами машина икки йўлак ўртасидаги ярим йўл нуқтасига етгунгача тўғри йўналишда саналади. Ўрта нуқтага етилгач, машина кейинги йўлакка яқинлашганлиги учун хатолик рақами тескари йўналишда саналади.

Бурилишни тахмин қилиш функциясидан фойдаланиб аниқланган йўл охиригача бўлган масофа йўналтириш кўринишининг ўнг юқори қисмида кўрсатилган. Масофа тахмин қилинган бурилишгача тескари саналади ва машина кесишувчи бурилиш нуқтасидан 10 сониялик масофада жойлашганда ва яна тахмин қилинган бурилиш нуқтасига етганда товуш берилади.

ҚАЙД: Оператор ва/ёки GPS хатоси туфайли йўлак оралиғи ростлашни талаб қилиши мумкин.

МИСОЛ: Оператор бошқариш давомида оператор хатоси ёки GPS хатосини ҳисобга олиб агрегатнинг кичикроқ кенглигини киритиши мумкин.

OUO6050,00010C5-UZ-12APR09-1/1

Йўлакни силжитиш

Йўлакни силжитиш тугмалари УМУМИЙ ЙЎНАЛТИРИШ бўлимида кўрсатилгани каби ишлайди.

Йўлакни силжитишдан йўлакларни радиус бўйича ёки марказий нуқтадан узоқроққа силжитишда фойдаланилади. Йўлакни силжитиш марказий нуқтани ўзини силжитмайди. Йўлакни силжитишнинг ушбу усули операторга агрегатнинг ҳар хил кенгликларидан фойдаланиш, айлана миноралрнинг турли хил узунликларини ёки айлана суғориш секцияларини узайтириш/қисқартиришни ҳисоблаш имконини беради.

МУҲИМ: SF2 ёки SF1 дифференциал тўғрилашдан фойдаланганда (ёки RTK тезкор кўрик режимидан фойдаланганда) айлана маркази вақт ўтиб ёки қувватни ўчириб ёқиш цикларида силжиши мумкин. Айлана йўлак режимида йўлакни силжитиш GPS силжишида ёрдам бермайди. SF1 ёки SF2 дифференциал тўғрилашда аниқлик ва такрорийликка эришиш учун кунлик асосда қўлда бошқарув билан айлана юриш орқали марказий нуқта қайта ҳисобланиши керак (Айлана марказини ҳисоблашга қаранг).

ҚАЙД: Айлана йўлакдан фойдаланганда юқори аниқликдаги иловаларда RTK мутлоқ база режими қатъий тавсия этилади. Фақат RTK мутлоқ база режимигина айлана йўлакда доимий такрорийлик ва аниқлик билан таъминлайди.

1-мисол - Оператор 4.6 м (15 фут) агрегатни тортган ҳолда айлана маркази маълумотини ШИМОЛИЙ ДАЛА (дала номи) ва МАРКА31 (йўлак номи) га сақлаб дала орқали биринчи юришни амалга оширди. Оператор худди шу далада иккинчи юриш учун 9.1 м (30 фут) агрегат билан қайтади. Сақланган худди ўша йўлакдан юриш учун ШИМОЛИЙ ДАЛА ва МАРКА31ни тикланг, керакли йўлакда тўғриланг ва агрегат кенгликларида фарқни ҳисобга олиш учун МАРКАЗНИ СИЛЖИТИНГ.

2-мисол - Оператор SF2 ишлатмоқда ва айланани қўлда бошқарув билан босиб ўтиш орқали айлана марказий нуқтасини аниқлайди. Кейинги кун оператор далага қайтади ва AutoTrac тизими GPS силжиши боис олдинги кунги йўл билан тўғри тушмаганини аниқлайди. Айлананинг марказий нуқтасини топиш учун оператор айланани қайтадан юриши керак.

OUO6050,00010C6-UZ-12APR09-1/1

Аниқлик

Қия шароитларда аниқлик - Айлана йўлак қиялиги 2 % дан ошмайдиган ерларда айлана ишлашга мўлжалланган. Қиялиги 2 % дан ошадиган жойларда айлана йўлак ишлатадиган фойдаланувчилар бундай шароитларда айлана йўлакнинг самарадорлиги ва нима учун у шундай ҳолатларда ишлатилиши ҳақида билишлари зарур. Айрим қия шароитларда айлана йўлакни ишлатишда айлана йўлак оралиғи ва айлана минора йўлаги айланадан узоқдаги минора йўлагида мос келмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бунга сабаб тепалик устидан ва текис юзада юрилган масофа ўртасидаги фарқдир. AutoTrac тизими айлана оралиғини худди юза текис бўлгани каби чизади. Минора йўлаклари тепалик устидан аниқ ўтади. Масофадаги ушбу фарқ қиялик ошиши билан ортади.

AutoTrac тизими аниқлиги ҳақида маълумот учун ДИАГНОСТИКА бўлимига қаранг.

OUO6050,00010C7-UZ-12APR09-1/1

Қаторни ёритиш режимида ишлаш

Иш тамойили

Қаторни ёритиш режими (фақат қўлда йўналтириш) қаторлар ҳар доим ҳам тенг оралиқда бўлмайдиган қатор экини иловаларида фойдаланишга мўлжалланган. Қаторни ёритиш режими қаторларнинг олдинги тўпламидан чиқишда таянч нуқта ўрнатилгач, далага қайтишда қайси қаторлар тўпламини киритиш кераклигини топишда операторга ёрдам беради.

ҚАЙД: Қаторни ёритиш функцияси фақат параллел кузатиш режимидагина ишлатилиши мумкин.

Ушбу режимда ишлаш учун қатор оралиғи ўрнатилиши керак.

RN38933,0000100-UZ-10AUG11-1/1

Қаторни ёритиш функциясини ишлатиш

Қаторни ёритиш функциясидан фойдаланиш учун бурилишни бошлашдан олдин йўлнинг охирида ҚАТОРНИ ЎРНАТИШ клавишини босинг. 0-йўлак жорий йўлак оралиғи, ҳолати ва йўналишига асосланган ҳолда қайта ўрнатилади. Бурилиш бошлангандан сўнг бурилишни кўриш операторни кейинги йўлакка йўналтиради.

МУҲИМ: Оптимал иш самарадорлиги учун машина йўл охирида бурилишни бошлашдан олдин ҚАТОРНИ ЎРНАТИШ тугмаси босилиши керак.

ҚАЙД: Машина тўхтаганда ҚАТОРНИ ЎРНАТИШ тугмаси босилса, тизим 0° йўналиш асосида 0-йўлакни қайта ўрнатади.

OUO6050,00010C9-UZ-12APR09-1/1

Ёқиш ва ўчириш

Йўналтиришни ЁҚИШ учун Созлаш устасини бажаринг ёки GreenStar бош саҳифаси -> Йўналтиришни тез алмаштириш -> Кузатиш режимини танлаш -> Йўналтириш йўлагини танлаш ёки яратишга ўтинг

Йўналтиришни ЎЧИРИШ учун GreenStar бош саҳифаси -> Йўналтиришни тез алмаштириш -> Кузатиш режимини танлаш = Йўналтиришни ЎЧИРИШга ўтинг

OUO6050,00010CD-UZ-14APR09-1/1

Йўналтириш йўлакларини тозалаш

Дисплейдаги хотирани бўшатиш учун Йўналтириш йўлакларини тозаланг (ўчиринг). Йўналтириш йўлаклари Йўналтиришни созлаш саҳифасида тозаланади:

GreenStar бош саҳифаси >> Йўналтиришни тез ўзгартириш >> Йўлакни ўчириш

1. Кузатиш режимини танлаш
2. Йўлак номини танлаш (кузатиш режимига қараб)
3. Йўлакни ўчириш тугмасини танлаш

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JJ—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

PC10857XK—UN—16JUN09 *Йўналтиришни тез ўзгартириш*

Йўлакни ўчириш

RN38933,0000068-UZ-25JUL11-1/1

Йўлакни силжитиш

GPS силжишини қоплашда йўналтириш йўлаклари ҳолатини чап ёки ўнгга ростлаш учун йўлакни силжитишдан фойдаланилади. Йўлакни силжитиш функцияси 0-йўлакни ва у билан боғланган барча йўлакларни ЧАПГА СИЛЖИТИШ ва ЎНГГА СИЛЖИТИШ тугмаларининг ҳар босилиши билан Йўналтириш созламасида белгиланган масофага силжитади. Йўлак силжитиш функцияси бирламчи созламада ЎЧИҚ бўлади ва Йўналтириш созламасида ЁҚИЛИШИ/ЎЧИРИЛИШИ мумкин.

ҚАЙД: Силжиш исталган сунъий йўлдошга асосланган, дифференциал тўғриланган GPS тизимига хосдир.

Йўлакни силжитиш тугмаларидан фойдаланиш учун Иш саҳифасидаги Йўлакни силжитиш тугмасини босинг.

- Йўлакларни чапга силжитиш учун ЧАПГА СИЛЖИТИШни танланг.
- Йўлакларни ўнгга силжитиш учун ЎНГГА СИЛЖИТИШни танланг.
- Йўлакларни транспортнинг жорий жойлашувида марказлаш учун МАРКАЗГА СИЛЖИТИШни танланг.
- Барча силжитишларни тозалаш ва 0-йўлак ва у билан боғланган барча йўлакларни асл белгиланган жойига қайтариш учун СИЛЖИТИШЛАРНИ ТОЗАЛАШни танланг.

МУҲИМ: SF1 ёки SF2 дифференциал тўғрилашдан фойдаланганда (ёки RTK тезкор кўрик режимидан фойдаланганда) йўлак вақт ўтиб ёки қувватни ўчириб ёқиш цикларида силжиши мумкин. Йўлакни Силжитиш функциясидан GPS силжишини ўрнини тўлдириш учун фойдаланиш мумкин.

Ҳар сафар Шимолий Америка RTK радиоси қайта конфигурация қилинганда ёки ўзгартирилганда, давом этишдан олдин қувват GPS рисиверда ўчириб-ёқиб кўрилиши керак.

PC10857NC—UN—24SEP09

PC10857LE—UN—14APR09 *Йўлакни силжитиш*

PC10857LF—UN—14APR09 *Чапга силжитиш*

PC10857LG—UN—14APR09 *Ўнгга силжитиш*

PC10857LH—UN—14APR09 *Марказга силжитиш*

Силжитишларни тозалаш

RTK радиосини ўчиришдан олдин RTK радиосига борадиган қувват узилиши керак.

ҚАЙД: AutoTrac ёниқ бўлганда, СИЛЖИШЛАРНИ ТОЗАЛАШ ўчирилади.

Такрорийликка зарурият бўлганда, юқори аниқликдаги иловаларда RTK мутлоқ база режими қатъий тавсия этилади. Фақат RTK мутлоқ база режимигина доимий такрорийлик ва аниқлик билан таъминлайди.

OUO6050,00010D1-UZ-28APR09-1/1

Товушли кузатиш сигналлари

Бошқариш йўналишининг овозли кўрсаткичи сифатида товушли кузатиш сигналларидан фойдаланилади. Йўлак машинанинг ўнг томонида бўлса, икки марта паст товуш сигнали берилади, агар чапда бўлса, битта баланд товуш сигнали берилади. Машина ва йўналтириш йўлаги ўртасидаги йўлак оғиши хатоси Йўналиш созламасида белгиланган қийматдан кам бўлмагунча сониясига икки марта огоҳлантириш сигнали берилади.

Товушли кузатиш сигналлари бирламчи созламада ЁНИҚ бўлади ва Йўналтириш созламасида ЁҚИЛИШИ/ЎЧИРИЛИШИ мумкин.

OUO6050,00010CF-UZ-14APR09-1/1

Бурилишда кўриш

ҚАЙД: 0-йўлак бурилишда кўриш ёниқ бўладиган қилиб ўрнатилиши керак.

Бурилишда кўриш операторга бир йўлдан бошқасига бурилганда далани перспектив кўриш ўрнига юқоридан кўрсатиш орқали кейинги йўлни кўриш имкониятини тақдим этади.

Бурилишда кўриш транспорт йўлак йўналишидан 45 даражадан ортиқ бурилиши билан пайдо бўлади. Транспорт йўлакнинг тахминан 5 даража доирасида бўлиши билан экран перспектив кўринишга қайтади. Экран бурилишда кўриш режимига ўтганда оператор йўналтиришни кўришнинг юқори чап бурчагида пайдо бўладиган бекор қилиш тугмаси билан Бурилишда

PC10857NB—UN—27APR09

Бурилишда кўришни бекор қилиш

кўришни бекор қилиш имкониятига эга. Бекор қилиш тугмаси танланиши билан экран перспектив кўришга қайтади.

Бурилишда кўриш бирламчи созламада ЎЧИҚ бўлади ва Йўналтириш созламасида ЁҚИЛИШИ/ЎЧИРИЛИШИ мумкин.

Харитада кўришга қайтиш учун Бурилишда кўришни бекор қилиш тугмасини босинг.

OUO6050,00010D2-UZ-28APR09-1/1

Бурилиш предиктори

Бурилиш предиктори операторни йўл охири яқинлашаётганлиги ҳақида огоҳлантиради ва харитада кўришнинг юқори ўнг бурчагида йўлнинг охиригача қолган масофани кўрсатади. Бурилиш предиктори бирламчи созламада ЁНИҚ бўлади ва Йўналтириш созламасида ЁҚИЛИШИ/ЎЧИРИЛИШИ мумкин. Масофа тахмин қилинган бурилишгача тескари саналади ва машина кесишувчи бурилиш нуқтасидан 10 сониялик масофада жойлашганда ва яна тахмин қилинган бурилиш нуқтасига етганда товуш берилади. Чамаланган бурилиш нуқтасига етишдан олдин визуал индикатор 10 сония кўрсатилади. Тизим олдинги йўлда олдинги бурилишни аниқлаганда, ушбу бурилиш нуқтасигача бўлган масофа кўрсатилади. Перспектив харитада визуал кўрсаткич товуш сигналлари билан бирга берилади.

Бурилиш предиктори Параллел кузатиш ёки AutoTrac ёрдамида транспортнинг бурилиш нуқтасини тахмин қилиш учунгина мўлжалланган. У дала охири ҳақида сигнал берувчи функция ЭМАС. Бурилишни тахмин қилиш транспортнинг фақат олдинги бурилиш тарзига асосланган. Бурилиш нуқталари ҳам AutoTrac тизими ўчирилганда ва йўналиш хатоси 45 даражадан ошганда аниқланади. Дала чегараси давомий ёки чизиқли бўлмаса ёки оператор дала чегарасидан олдин ёки кейин бурилса, бурилишни тахмин қилиш дала чегараси билан мос келмайди.

ҚАЙД: Ўриндиқда бўлмаслик вақти ўтиб кетса (тракторларда 7 сония, комбайн ёки пуркагичларда 5 сония), дисплей бурилиш предикторини ЁНИҚ ҳолатга қайта ўрнатади.

RN38933,0000101-UZ-10AUG11-1/1

Йўналтириш созламалари

GreenStar тизимининг оптимал самарадорлиги учун одатда созламаларни ростлаш талаб этилади. Фойдаланиш амалиётингизни ошириш ва тизим самарадорлигини оптималлаштириш учун Йўналтириш созламаларига киринг.

Умумий созламалар

Бурилишда кўриш операторга бурилганда кейинги йўлакни кўриш имконини беради. ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун катакни белгиланг/белгини олиб ташланг.

Бурилиш предиктори - операторни йўлнинг охири келаётганлигидан огоҳлантиради. ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун катакни белгиланг/белгини олиб ташланг.

Товушли кузатиш сигналлари – йўлакдан оғиш хатосини овозли кўрсаткичи билан таъминлайди. ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун катакни белгиланг/белгини олиб ташланг. Товушли кузатиш сигналлари бериладиган масофани ўзгартириш учун киритиш майдонини танланг, керакли қиймат киритинг ва Киритиш тугмасини босинг. 10—60 см (4—24 дюйм) ўртасидаги қийматлар киритилиши мумкин.

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JF—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

PC10857NG—UN—27APR09 *Созламалар*

Йўналтириш созламалари

Илгарилатиш компенсацияси – бурилиш каби ҳолатлар учун жорий йўлак қанчалик пастга йўналтирилганлигини кўрсатади. У фақат параллел кузатиш билан қўлланилади. ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун катакни белгиланг/белгини олиб ташланг.

RN38933,0000069-UZ-25JUL11-1/2

Йўлакни силжитиш - GPS силжишини қоплашда йўналтириш йўлаклари ҳолатини чап ёки ўнгга ростлаш учун фойдаланилади. Ушбу созлама силжитишларни ЁҚАДИ/ЎЧИРАДИ, катта ёки кичик силжитишларни танланг ва ҳар бир силжиш масофасини ўзгартиринг.

Силжишлар ўчиқ – Силжишларни ЁҚИШ учун катакни белгиланг.

Кичик силжишлар – 1—30 см (0.4—12 дюйм) силжиш ўлчамидан фойдаланиш учун кичик силжишларни танланг.

Катта силжишлар – 1—410 см (12—161.5 дюйм) силжиш ўлчамидан фойдаланиш учун катта силжишларни танланг. AutoTrac ёниқ бўлганда ёки Мослашувчан эгри йўлак режимида ишлаганда катта силжишлар ўчирилади.

Силжитиш ўлчами – ЧАПГА СИЛЖИТИШ ёки ЎНГГА СИЛЖИТИШ тугмалари танланганда, йўлаклар силжийдиган масофа.



PC10857NH—UN—27APR09

RN38933,0000069-UZ-25JUL11-2/2

Ёритгич созламалари

Қадам ўлчами – йўналиш аниқлиги индикаторида ҳар бир катак кўрсатадиган йўлакдан оғиш масофаси қийматини бериш учун ишлатилади. Агар дисплей ташқи GreenStar ёритгичи билан ишлатилса, қадам ўлчами ҳам ҳар бир чироқ ёритгичда кўрсатадиган йўлакдан чиқиш масофасини ўрнатади.

Йўналишга қараб бошқариш – Ушбу опция танланганда, йўналиш аниқлиги индикатори ва ташқи GreenStar ёритгичида чапга қараб ёнган чироқлар транспорт воситаси йўналтириш йўлаги билан бир чизиқда жойлашиши учун чапга бурилиши кераклигини англатади.

Йўлак йўналишидан оғиш – Ушбу опция танланганда, йўналиш аниқлиги индикатори ва ташқи GreenStar ёритгичида чапга қараб ёнган чироқлар транспорт воситаси йўналтириш йўлаги билан бир чизиқда жойлашиши учун ўнгга бурилиши кераклигини англатади.

ҚАЙД: Қўшимча саҳифалардан ташқи ёритгич улангандагина фойдаланиш мумкин.



RN38933,0000102-UZ-12AUG11-1/3

Ташқи ёритгич ёниқ – Ташқи ёритгични ЁҚИШ учун катакни белгиланг

GreenStar ёритгичи ёруғлигнии ростлаш – Ташқи GreenStar ёритгчи ёруғлиги дисплейнинг ёруғлик созламалари билан синхронланади. Дисплей ёруғлигига нисбатан GreenStar ёритгичи ёруғлигини ростлаш учун ушбу созламадан фойдаланиш мумкин.



Давоми кейинги бетда

RN38933,0000102-UZ-12AUG11-2/3

Ёритгични ўрнатиш йўналишини конфигурациялаш – Ушбу созлама the GreenStar ёритгичини тескари ҳолатда ўрнатиш имконини беради. Тўғри ўрнатилган бўлса, ушбу саҳифа очиқ бўлганда, GreenStar ёритгичидаги чироқларнинг ярми ёнади. Чироқлар пайдо бўлган йўналиш катагини белгиланг.



RN38933,0000102-UZ-12AUG11-3/3

Эгри йўлак созламалари

Кескин бурилишларни тўғрилаш - Катак белгиланса, тизим автоматик равишда кескин бўлиб борган тарқалувчи йўналишни тўғрилайди.



Давоми кейинги бетда

CZ76372,00001D8-UZ-12OCT10-1/5

A—Олдинги йўл

B—Кейинги йўл - Кескин бурилишларни тўғрилаш ўчиқ



Кескин бурилишларни тўғрилаш ЎЧИҚ

CZ76372,00001D8-UZ-12OCT10-2/5

A—Олдинги йўл

B—Кейинги йўл - Кескин бурилишларни тўғрилаш ёниқ



Кескин бурилишларни тўғрилаш ЁНИҚ

Давоми кейинги бетда

CZ76372,00001D8-UZ-12OCT10-3/5

Агрегатни ерда буриш радиуси - Ушбу қиймат агрегат ерда бурила оладиган энг кичик бурилиш радиуси саналади.

R—Агрегатнинг бурилиш радиуси

Манбани ёзиб олиш – Мослашувчан эгри йўлакни ёзиб олиш қўлда ёки AutoTrac ёки Қамроқ тизими асосида ишга туширилиши мумкин.



Радиус

CZ76372,00001D8-UZ-12OCT10-4/5

Мослашувчан эгри чизиқ маълумотларини тозалаш - Агар эгри йўлак маълумотлари ушбу дала учун олдиндан қайд қилинган бўлса ва оператор ундан бошқа фойдаланишни хоҳламаса ёки сақланган эгри йўлак маълумотлари билан ички хотира тўлиб қолган бўлса, эгри йўлак маълумотлари хотирадан олиб ташланиши мумкин. Эгри йўлак маълумотларини тозалашнинг иккита опцияси мавжуд:

Фақат ушбу дала учун - Фақат жорий далага тегишли бўлган эгри йўлак маълумотларини хотирадан тозалайди

Барча далалар учун - хотирада сақланган барча далаларга тегишли эгри чизиқ маълумотларини тозалайди

Такрорлаш режими – Такрорлаш режими ёзиб олиш ЎЧИҚ бўлганда йўналтириш йўлагини кўрсатиш имконини беради. Олдин қайд қилинган мослашувчан эгри йўлакда йўналтириш учун Такрорлаш режимини ЁҚИНГ. Такрорлаш режими бирламчи созламада ЎЧИҚ бўлади.

Такрорлаш режими ЁНИҚ бўлганда, Мослашувчан эгри чизиқни ёзиб олиш клавиши ишламайди.



CZ76372,00001D8-UZ-12OCT10-5/5

AutoTrac созламалари

ҚАЙД: AutoTrac созламалари AutoTrac тизими қўллаб-қувватланадиган машинадаги дисплейдагина пайдо бўлади.

Бошқарув сезувчанлиги—AutoTrac фойдаланувчиларига транспортнинг бошқарув сезувчанлигини ростлаш имконини беради. Бошқарув сезувчанлигини ростлаш учун кириш катагини танланг ва рақамли клавиатура орқали керакли бошқарув сезувчанлиги қийматини киритинг ва Киритиш тугмасини босинг. Сезувчанлик Иш саҳифасидаги Бошқарув сезувчанлигини ошириш ва Бошқарув сезувчанлигини камайтириш клавишларини танлаш орқали ҳам ростланиши мумкин.

PC10857LB—UN—14APR09

PC10857LC—UN—14APR09

Бошқарув сезувчанлигини ошириш

Бошқарув сезувчанлигини камайтириш

ҚАЙД: Бошқариш сезувчанлиги учун йўл қўйиладиган диапазон 50-200 ва максимал созлама 200.

OUO6050,00010D7-UZ-28APR09-1/1

AutoTrac илғор созламалари

AutoTrac илғор созламаларини қўллаб-қувватлайдиган SSU аниқлангандагина Йўналтириш созламалари остида AutoTrac созламалари тугмаси пайдо бўлади.

Қабул қилиш тугмаси жорий созламаларни сақлайди ва қўллайди ҳамда фойдаланувчини олдинги саҳифага қайтаради. "Restore Default Settings" тугмаси барча созламаларни завод созламаларига қайтаради. Ҳар бир созламанинг бирламчи қийматига қаранг. "?" тугмаси маълум бир созлама учун ёрдамчи матнга эга қалқиб чиқувчи ойнани чиқаради.



PC10857NN—UN—27APR09

OUO6050,000108A-UZ-11APR09-1/1

AutoTrac универсал

AutoTrac универсални ишлатиш ҳақида кўрсатмалар учун AutoTrac универсал қўлланмасига қаранг.

OUO6050,00010DA-UZ-14APR09-1/1

Ташқи GreenStar ёритгичи

GreenStar ёритгичи GreenStar дисплейи билан улар агрегат CAN-шинасига уланганда бирга конфигурацияда ишлайди. GreenStar ёритгичи оператор олдидаги олд ойнада, йўналиш аниқлиги индикаторини дисплейдан операторнинг ракурсигача проекцияланган ҳолда ўрнатилади. GreenStar ёритгичини GreenStar дисплейи билан ишлатиш учун қўшимча созламалар шарт эмас, аммо йўналтириш созламаларидан фойдаланиш мумкин.

Тўғри ўрнатиш ва монтаж ҳақида кўрсатмалар учун GreenStar ёритгичи қўлланмасига қаранг.

OUO6050,00010D8-UZ-09JUN10-1/1

Swath Control Pro тизимини ишлатиш

МУҲИМ: Айрим операторлар иккита алоҳида далани "кўприк"дан фойдаланиб биттага улайди. Swath Control Pro ёниқ қолган бўлса, маҳсулот ернинг ушбу қисмида қўлланилишда давом этаётган бўлиши мумкин. Кутилмаган қамровни олдини олиш учун ҳар доим даладан-далага ўтишда Swath Control Pro ёки асосий улаб-узгични ЎЧИРИНГ.

1. GreenStar тизимини Swath Control Pro га созлаш учун стандарт созлаш устасини бажаринг. Қўлланма бошидаги КИРИШ бўлимига қаранг.

ҚАЙД: Агар мижоз, ферма ва дала танланмаса, фақат битта қамров харитаси дисплейда сақланиши мумкин. Қамров харитада биринчи қайд қилинган нуқтадан 5 мил нарида харитага тушмайди.

2. Барча зарурий ташқи ва ички чегараларни яратинг. Опционал бўлса ҳам, чегаралар Swath Control Pro дан фойдаланилганда қўл келиши мумкин. Масалан, Swath Control Pro умумий устма-устликси 0% га ўрнатилган, агар битта бўлим чегарадан чиқиб кетса, ташқи чегара даладан ташқарида ишланмаганлигига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

3. Тизимни оптимал самарадорликка ростлаш ҳақида билиб олиш учун ушбу қўлланманинг SWATH CONTROL PRO СОЗЛАМАЛАРИ бўлимига қаранг.

4. Swath Control Pro тизими ишлаши учун қуйидагиларнинг БАРЧАСИ талаб этилади:

   Амалда бўлган Swath Control Pro фаоллаштириш коди дисплейда киритилган

   - Swath Control Pro тизимида қўллаб-

PC10857NO—UN—28APR09



Swath Control Pro Ёқиш/Ўчириш

   қувватланадиган контроллер аниқланди ва Машинани созлаш саҳифасида мос келадиган машина тури кўрсатилмоқда.
   - Созлаш устаси ниҳоясига етди.
   - Асосий Ўчириб-ёқиш тугмаси ёниқ.
   - Секция тугмаси ЁНИҚ ҳолатда.
   - GPS сигнали мавжуд (SF1, SF2 ёки RTK).
   - Тезлик 0.8 км/с (0.5 мил/с) дан юқори

5. Swath Control Pro тизимини GreenStar иш саҳифасидаги Swath Control Pro тугмаси билан ЁҚИНГ/ЎЧИРИНГ.

ҚАЙД: Агар Swath Control Pro алмаштириб ЁҚИШ/ЎЧИРИШ тугмаси Иш саҳифасида пайдо бўлмаса, дисплейга амалда бўлган Swath Control Pro фаоллаштириш коди киритилганлигини ва Swath Control Pro қўллаб-қувватлайдиган контроллер дисплей орқали аниқланганлигини текширинг (Қуйидаги қадамлар бўйича боринг: Меню -> Хабарлар маркази -> Электрон бошқарув блоки ҳақида -> Контроллер учун хабарлар сони доимий ошиб бораётганлигини текширинг).

Агар Swath Control Pro қўллаб-қувватлайдиган бир нечта контроллер CAN-шинага уланган бўлса, улар автоматик равишда даражаланади ва улардан ФАҚАТ Swath Control Pro билан ишлайдиганигина биринчи ўринга чиқиб олади.

RN38933,0000103-UZ-10AUG11-1/1

Пуркагичлар учун Swath Control Pro тизимини ёқиш

Swath Control Pro тизими ишлаши учун қуйидагиларнинг БАРЧАСИ талаб этилади:

- Эритма насоси ёниқ.
- Секция тугмалари ёниқ ҳолатда.
- Асосий ўчириб-ёқиш тугмаси ёниқ ҳолатда.
- Swath Control Pro ёниқ ҳолатда.
- Тезлик 0.8 км/с (0.5 мил/с) дан юқори.
- Транспорт даланинг таянч нуқтасидан 7.64 км (4.75 мил) доирасида.

PC10857NO—UN—28APR09



Swath Control Pro Ёқиш/Ўчириш

ҚАЙД: Агар IBS (секцияни ёқиш тушмаси) ёки секцияни ёқиш дастаги секцияни ўчирган бўлса, Swath Control Pro уни ёқмайди. Агар Swath Control Pro секцияни ўчирган бўлса, IBS уни қайта ёмайди.

RN38933,0000104-UZ-10AUG11-1/1

Экиш асбоблари учун Swath Control Pro тизимини ёқиш

Swath Control Pro тизими ишлаши учун қуйидагиларнинг БАРЧАСИ талаб этилади:

- Агрегат ерга туширилиши керак.
- Секция тугмалари ёниқ.
- Асосий ўчириб-ёқиш тугмаси ёниқ.
- Swath Control Pro ёниқ.
- Транспорт тезлиги сиқилган ҳаволи баллонларга эга тележкалар ва1990 CCS учун 1 км/с (0.62 мил/с) дан ва сеялкалар учун 0.3 км/с (0.2 мил/с) дан юқори бўлиши керак.
- Транспорт даланинг таянч нуқтасидан 7.64 км (4.75 мил) доирада жойлашган.

PC10857NO—UN—28APR09



Swath Control Pro Ёқиш/Ўчириш

RN38933,0000105-UZ-10AUG11-1/1

Секция ҳолати сатри

Swath Control Pro ишлаётганда, аниқланган секция ҳолати секция ҳолати сатридаги иш саҳифасининг қуйи қисмида кўрсатилади.

Сиқилган ҳаволи баллонлар билан жиҳозланган тележка учун ҳолат сатри намунаси

- Қуйи қисмдаги яшил сатр – Swath Control Pro ёқилган ва секция ёниқ.

PC10857NP—UN—28APR09

Секция ҳолати сатри

- Бак сатри қора рангда - Бак ЁНИҚ
- Бак сатри рангсиз - Бак ЎЧИҚ

RN38933,0000106-UZ-10AUG11-1/2

Пуркагич учун ҳолат сатри

- Аниқланган секциялар кўрсатилган
- L1 – Биринчи секция марказнинг чап қисмида
- R1 – Биринчи бўлим марказнинг ўнг қисмида
- C - Марказий секция
- Яшил ёки кўк учбурчак - Секция ҳолати ЁНИҚ
- Рангсиз учбурчак - Секция ҳолати ЎЧИҚ

PC10857NQ—UN—28APR09

RN38933,0000106-UZ-10AUG11-2/2

Аниқлик

Swath Control Pro тизими умумий аниқлиги кўплаб ўзгарувчиларга боғлиқ.

Swath Control Pro тизими аниқлиги = GPS сигнали аниқлиги + Машина ва агрегатни созлаш + Дисплейни созлаш + Дала шароитлари + Маҳсулот тоифаси.

Қуйидагиларга амин бўлиш муҳимдир:

- Машина ва агрегат тўғри (ишлаб чиқарувчи қўлланмасига мувофиқ) созланганлиги.
- Агрегатнинг ейиладиган қисмлари яхши ишлаш ҳолатдалиги ва тўғри жойлаштирилганлиги.
- Дала шароитлари ва ишлатилган маҳсулот тоифаси машинага қандай таъсир қилишини тушуниш.
- Swath Control Pro самарадорлигини аниқлаш учун GPS ресивер қизиш давридан ўтганлигини текшириш.
  - GPS аниқлиги ошса (SF1, SF2 ва RTK), Swath Control Pro реакция аниқлиги ҳам ошади.
  - GPS шейдинг (масалан дарахтлар ёки бинолар) Swath Control Pro аниқлигига таъсир қилади.
- Swath Control Pro созламалари, машина ва агрегат ўлчамлари дисплейда тўғри ўрнатилганлиги.

RN38933,0000107-UZ-10AUG11-1/1

Swath Control Pro созламалари

GreenStar тизимининг оптимал самарадорлиги учун одатда созламаларни ростлаш талаб этилади. Тизим самарадорлигини оптималлаштириш учун Swath Control Pro созламаларига киринг.

ҚАЙД: Swath Control Pro созламалари тугмаси дисплейга амалда бўлган Swath Control Pro фаоллаштириш коди киритилса ва Swath Control Pro қўллаб-қувватлайдиган контроллер аниқлансагина пайдо бўлади.

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JF—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

PC10857NR—UN—28APR09 *Созламалар*

Swath Control Pro созламалари

RN38933,0000108-UZ-10AUG11-1/1

Созламаларни ёқиш ва ўчириш

Вақтни ёқинг (сон.): бирламчи созлама бўйича 1 га тенг, аммо 0.3—15 орасида 0.1 сония ошириб ўзгартириш мумкин.

Вақтни ўчиринг (сон.): бирламчи созлама бўйича 0.6 га тенг, аммо 0.3—15 орасида 0.1 сония ошириб ўзгартириш мумкин.

Маълум бир машинага мос келиши учун оператор ёқиш ва ўчириш созламаларини ростлаши мумкин. Ёқиш ва ўчириш созламалари маҳсулотни қўллаш учун машинанинг ўртача жисмоний таъсир вақтини (электрик ва механик) мувозанатлаштиришга мўлжалланган. Юриш тезлиги ошиши билан таъсир вақти ОШМАСЛИГИНИ ёдда тутинг. Жисмоний таъсир вақти ушбу машина конфигурацияси учун доимий бўлиб қолади. Турли хил юриш тезликларида таъсир бўлаётган вақтда машина кўпроқ ёки камроқ масофани босиб ўтиши мумкин.

ҚАЙД: Кўзланган режага эришиш учун ёқиш ва ўчириш вақтларидан фойдаланиш тавсия қилинмайди; бу тизимда қўшимча носозликларга олиб келиши мумкин.

Тўғри ёқиш ва ўчириш вақтларини аниқлашнинг энг яхши усули секцияни қўлда ёқиш ёки ўчиришдир. Тугма фаоллаштирилганидан маҳсулот ишга тушган ёки тўхтагангача бўлган вақтни ўлчанг. Пуркагич учун тугма фаоллаштирилганидан маҳсулот ишга тушган ёки ҳосилга етиб тўхтагангача бўлган вақтни ўлчанг. Ёқиш ва ўчириш вақтларини 0.1 сониягача аниқликда киритинг.

Ёқиш вақти 0.3 сонияга ўрнатилса, тизим секциянинг чегара ёки қопланмаган ҳудуддан 0.3 сония бўлишини ҳисоблаганда, буйруқ сигнали юборилади. Буйруқ сигнали юборилгач қамров харитаси 0.3 сониядан чизишни бошлайди. Машинанинг жорий таъсир вақти 0.8 сония бўлса, қўллашдан олдин машина чегарадан ёки қопланмаган ҳудудга 0.5 сонияда ўтади. Ушбу ҳолатда қамров харитаси чизилиши жорий қўллашдан олдин бошланади, шу боисдан иккитаси мос тушмайди.

Ёқиш вақти ошиши билан буйруқ сигнали чегара ёки қопланмаган ҳудуд яқинлашишидан эртароқ



юборилади. Ёқиш вақти 1.0 сония бўлса, буйруқ агрегат чегара ёки олдинги қопланган ҳудудга етишидан олдин 1.0 сонияда юборилади. Оператор 1.0 сония ёқиш вақтини киритганлиги учун буйруқ сигнали юборилганидан ҳамда бу вақтда Swath Control Pro машинани қўллаш бошлаётганидан кейин қамров харитаси чизиш 1.0 сонияда чизишни бошлайди.

Чегара ёки олдинги қамров ҳудудига кириш ёки чиқишда юриш тезлиги қанча доимий сақланса, Swath Control Pro аниқлиги ҳам шунча барқарор бўлади. Чегара ёки олдинги қамров ҳудудига кириш ёки чиқишда машина тезлиги кескин ўзгарса, Swath Control Pro бу ўзгаришни олдиндан кўра олмайди, чунки у жорий ҳолат, йўналиш ва тезлик асосида сизнинг ёқиш ва ўчириш ҳолатингизни ҳисоблайди.

Машинанинг ёқиш ва ўчириш вақти белгиланганда, машина тизимига жиддий ўзгаришлар қилинмаса, у ўзгармайди. Масалан, қувурлар тизимидаги ўзгариш машинанинг ўртача жисмоний реакция вақтига таъсир қилади.

RN38933,0000109-UZ-10AUG11-1/1

Swath Control Pro ёқиш ва ўчириш созламаларини тушуниб олиш

ҚАЙД: Ушбу бўлимда келтирилган ёқиш ва ўчириш вақтлари намуналари ҳамма машинага ҳам мос тушавермайди. Маълум бир машина ва агрегатингиз учун ёқиш ва ўчириш вақтларини аниқлаб олишингиз муҳимдир.

Swath Control Pro бирламчи функциянинг конденсация нуқтаси ва ёқиш ва ўчириш вақти асосида ишлайди.

Экиш асбоблари

Экиш вақтида сеялкаларнинг ўртача тезлиги 6—12 км/с (4—7 мил/с) ва электромуфта реакциясининг кечикиш вақти минимал бўлади (одатда 0.8 сониядан камроқ). Энг узоқ кечикиш вақти одатда уруғ дозаторни тарқ этиб, уруғ трубкасидан юрган ва тупроққа тушгангача бўлган вақт саналади. 10 км/с (6 мил/с) экиш тезлигида сониясига 2.8 м (8.8 фут) юрилади. Бу сониянинг ўндан бир улушида 280 мм (10.5 дюйм) га тенг. (Мисол - Кабинада тугма босилганда уруғнинг тўлиқ кечикиш вақти, муфта тўхтайди, дозатор тўхтайди ва барча уруғлар тупроққа тушади; кетган вақт 0.8 сония) Ёқиш ёки ўчиришда уруғни жойлаштириш жойи 0.3-0.8 сония доирасида кескин ўзгаришини кузатишингиз мумкин. Ўртача олганда, кўпчилик қаторли экин экиш сеялкалари ўчиш вақтини 0.3 сонияга ва ёқиш вақтини 0.5-1.0 сонияга ўрнатади. Ўртача олганда, кўпчилик сиқилган ҳаволи баллонлар билан жиҳозланган тележкалар ўчиш вақтини 0.6 сонияга ва ёқиш вақтини 1.0 сонияга ўрнатади.

Биринчи тоифали асбоблар билан (кўп тоифали экиш асбоблари) ташлаб ўтишни (100 % устма-устлик) минималлаштиринг. Ташлаб ўтишни (100 % устма-устлик) минималлаштириш учун Swath Control Pro созламаларини ўрнатинг. Swath Control Pro асбобларда орқа қатор билан боғлиқ, шунинг учун ёқиш вақти қатор оралиғини ҳисобга олиб оширилиши лозим. Бўлим охиридаги расмга қаранг.

Мақсад "Ёқиш" созламасида тартиб билан ёқишни киритиш орқали қаторнинг кечикиш оралиғини қоплаш. Ёқиш + Қатор кечикиш = Тартиб билан ёқиш. Ёқиш вақти аниқ бўлиши учун доимий бурилиш тезлигини сақланг. Экиш ишларидан олдин созламаларни текшириng ва ростланг.

ҚАЙД: Қатор кечикиши масофа эмас, балки тезлик таъсир қиладиган вақтдир.

Пуркагичлар

Тизимнинг ўртача жисмоний реакция вақти 2.5 сония бўлса, пуркагич тезлиги 24 км/с (16 мил/с) бўлади (кўп функцияли бошқариш дастагида буйруқни ўчиринг, стрела клапани қайта ҳаракатланади ва ўчади, суюқлик клапан босими мос тарзда текширилгунча стреладан ташқарига оқади). Суюқлик 2.5 сониядан сўнг экин пардасига тушишда давом этади, шунинг учун умумий ишлаш таъсири вақти умумий олганда тахминан 3.0 сония бўлиши мумкин.

Пуркагичда ёқиш вақтини аниқлаш учун ўчириб ёқиш устасини босинг ва маҳсулот экинга урилишини кўргунингизча кетган вақтни ўлчанг. Ўчиш вақтини аниқлаш учун ўчириб ёқиш устасини босинг ва маҳсулот оқиши тўхташини кўргунингизча кетган вақтни ўлчанг.

Одатда, суюқлик босими дифференциаллари туфайли аввал ёқиш, кейин ўчиришда суюқлик билан ишлаш тизими қайта таъсирланиши учун кўпроқ вақт олади, чунки бир неча марта ёқиш вақти ўчириш вақтидан бироз кўпроқ. Машинанинг таъсир вақти кечикиши содир бўлаётганда ва юрилган масофа ёқиш ва ўчириш вақтлари ва операторданоператорга ўртасида фарқ қилганда юриш тезлиги фақат юрилган масофага таъсир қилишини ёдда тутинг.

Давоми кейинги бетда



PC10857WT—UN—07JUN10

SWATH CONTROL PRO МАВЖУД ЭМАС—Дала бошига бориб-келган, тартибланган иккита асбоб

A—1-қатор
B—2-қатор
C—Тизим кечикиши
D—Тугма ўчиқ
E—Жорий ўчиқ
F—Тугма ёниқ
G—Жорий ёниқ

Тизим кечикиши = (A) устма-устлик ва (B) устма-устлик

Тизим кечикиши = (A) устма-устлик ва (B) устма-устлик

RN38933,000010A-UZ-10AUG11-2/4



PC10857WU—UN—07JUN10

SWATH CONTROL PRO МЕЪЁРДА—Дала бошига бориб-келган, тартибланган иккита асбоб

A—1-қатор
B—2-қатор
C—Тизим кечикиши
D—Жорий ўчиқ
E—Секция буйруғи
F—Жорий ёниқ

Тизим кечикиши = (A) ва (B) устма-устлик йўқ

Тизим кечикиши = (A) устма-устлик ва (B) устма-устлик йўқ

Давоми кейинги бетда

RN38933,000010A-UZ-10AUG11-3/4



PC10857WV—UN—07JUN10

ТАРТИБЛАНГАН ҚАТОРНИ ЁҚИШ—Дала бошига бориб-келган, тартибланган иккита асбоб

A—1-қатор
B—2-қатор
C—Тизим кечикиши
D—Қатор кечикиши
E—Тартибланган қатор ёниқ
F—Жорий ўчиқ
G—Секция буйруғи
H—Жорий ёниқ

Тизим кечикиши = (A) ва (B) устма-устлик йўқ

Тизим кечикиши + Тартибланган қатор кечикиши = (A) ва (B) устма-устликлар йўқ

RN38933,000010A-UZ-10AUG11-4/4

Swath Control Pro тезкор созламалари жадвали - метр тизимида

Доимий юриш тезлиги (км/с)	Машинанинг жисмоний таъсири кечикиш вақти (сонияда)	Берилган тезлик ва вақтда юрилган масофа (метр)	GPS янгиланишида босилган масофа (метр)
3	1	0.83	0.17
3	2	1.67	0.17
3	3	2.50	0.17
3	4	3.33	0.17
3	5	4.17	0.17
3	10	8.33	0.17
6	1	1.67	0.33
6	2	3.33	0.33
6	3	5.00	0.33
6	4	6.67	0.33
6	5	8.33	0.33
6	10	16.67	0.33
9	1	2.50	0.50
9	2	5.00	0.50
9	3	7.50	0.50
9	4	10.00	0.50
9	5	12.50	0.50
9	10	25.00	0.50
12	1	3.33	0.67
12	2	6.67	0.67
12	3	10.00	0.67
12	4	13.33	0.67
12	5	16.67	0.67
12	10	33.33	0.67
15	1	4.17	0.83
15	2	8.33	0.83
15	3	12.50	0.83
15	4	16.67	0.83
15	5	20.83	0.83
15	10	41.67	0.83
18	1	5.00	1.00
18	2	10.00	1.00
18	3	15.00	1.00
18	4	20.00	1.00
18	5	25.00	1.00
18	10	50.00	1.00
21	1	5.83	1.17
21	2	11.67	1.17
21	3	17.50	1.17
21	4	23.33	1.17
21	5	29.17	1.17
21	10	58.33	1.17
24	1	6.67	1.33
24	2	13.33	1.33
24	3	20.00	1.33
24	4	26.67	1.33
24	5	33.33	1.33
24	10	66.67	1.33
27	1	7.50	1.50

Давоми кейинги бетда

RN38933,000010B-UZ-10AUG11-1/2

Доимий юриш тезлиги (км/с)	Машинанинг жисмоний таъсири кечикиш вақти (сонияда)	Берилган тезлик ва вақтда юрилган масофа (метр)	GPS янгиланишида босилган масофа (метр)
27	2	15.00	1.50
27	3	22.50	1.50
27	4	30.00	1.50
27	5	37.50	1.50
27	10	75.00	1.50
30	1	8.33	1.67
30	2	16.67	1.67
30	3	25.00	1.67
30	4	33.33	1.67
30	5	41.67	1.67
30	10	83.33	1.67

RN38933,000010B-UZ-10AUG11-2/2

Swath Control Pro тезкор созламалари жадвали - SAE

Доимий юриш тезлиги (мил/с)	Машинанинг жисмоний таъсири кечикиш вақти (сонияда)	Берилган тезлик ва вақтда юрилган масофа (фут)	GPS янгиланишида босилган масофа (дюйм)
2	1	2.93	7.04
2	2	5.87	7.04
2	3	8.80	7.04
2	4	11.73	7.04
2	5	14.67	7.04
2	10	29.33	7.04
4	1	5.87	14.08
4	2	11.73	14.08
4	3	17.60	14.08
4	4	23.47	14.08
4	5	29.33	14.08
4	10	58.67	14.08
6	1	8.80	21.12
6	2	17.60	21.12
6	3	26.40	21.12
6	4	35.20	21.12
6	5	44.00	21.12
6	10	88.00	21.12
8	1	11.73	28.16
8	2	23.47	28.16
8	3	35.20	28.16
8	4	46.93	28.16
8	5	58.67	28.16
8	10	117.33	28.16
10	1	14.67	35.20
10	2	29.33	35.20
10	3	44.00	35.20
10	4	58.67	35.20
10	5	73.33	35.20
10	10	146.67	35.20
12	1	17.60	42.24
12	2	35.20	42.24
12	3	52.80	42.24
12	4	70.40	42.24
12	5	88.00	42.24
12	10	176.00	42.24
14	1	20.53	49.28
14	2	41.07	49.28
14	3	61.60	49.28
14	4	82.13	49.28
14	5	102.67	49.28
14	10	205.33	49.28
16	1	23.47	56.32
16	2	46.93	56.32
16	3	70.40	56.32
16	4	93.87	56.32
16	5	117.33	56.32
16	10	234.67	56.32
18	1	26.40	63.36

Давоми кейинги бетда

RN38933,000010C-UZ-10AUG11-1/2

Доимий юриш тезлиги (мил/с)	Машинанинг жисмоний таъсири кечикиш вақти (сонияда)	Берилган тезлик ва вақтда юрилган масофа (фут)	GPS янгиланишида босилган масофа (дюйм)
18	2	52.80	63.36
18	3	79.20	63.36
18	4	105.60	63.36
18	5	132.00	63.36
18	10	264.00	63.36
20	1	29.33	70.40
20	2	58.67	70.40
20	3	88.00	70.40
20	4	117.33	70.40
20	5	146.67	70.40
20	10	293.33	70.40

RN38933,000010C-UZ-10AUG11-2/2

Маълумотларни бошқариш

Маълумотлар ва созламалар USB сақлаш қурилмасидан ёки унга ўтказилиши мумкин

- Маълумотларингизни нусхаланг
- Компьютер дастуриша ўтказиш
- Бошқа дисплейга ўтказиш

Маълумотларнинг қуйидаги турлари дисплейлар орасида ўтказилиши мумкин:

- Мижоз, ферма, дала
- Машина ва агрегат манбалари
- Йўналтириш чизиқлари
- Ички/ташқи чегаралар
- Қамров хариталари

Дисплей Арех га ўтказилмайди:

- Кўрсатма хариталари
- Авиацион тасвирлар
- Фон тасвирлари
- Навини аниқлаш хариталари

RN38933,0000028-UZ-10AUG11-1/1

Маълумотларни ўтказиш

1. Ёзиб олишни ўчиринг ва транспортни тўхтатинг.
2. USB сақлаш қурилмасини дисплейга киритинг. USB флешкада камида 512 МБ бўш жой бўлиши керак.

ҚАЙД: GS3 CommandCenter USB уяси тирсакқўйгичи сақлаш бўлмасида жойлашган.

ҚАЙД: USB тирқишига мос келадиган USB қурилмаларнинг кўпчилик турлари дисплей билан ишлайди. 30 ГБ ҳажмли USB сақлаш қурилмалари NTSF га форматланган бўлиши мумкин. Дисплей NTSF формат билан мос тушмайди. USB сақлаш қурилмасини FAT форматга қайта форматланг. Агар "USB қурилма аниқланди" хабари чиқмаса, бошқа USB уя ёки қурилмадан фойдаланиб кўринг.

3. **USB қурилма аниқланди** хабари дисплей USB қурилмани ўқигандагина пайдо бўлади. Ўқинг ва уни қабул қилинг.
4. GreenStar иловаси ҳали очилмаган бўлса, унга кезинг.
5. CommandCenter дисплейида маълумотларни ўтказиш экрани пайдо бўлиши учун Меню>GreenStar>USB ни танланг.

PC10857JC—UN—13APR09

PC13916—UN—25JUL11 *Меню тугмаси*

PC12946—UN—05OCT10 *GreenStar тугмаси*

USB тугмаси

ҚАЙД: USB қурилма киритилганда GreenStar иловалари ишламайди ва маълумотларни ўтказиш учун ёзиб олиш ўчирилган бўлиши керак.

6. Маълумотларни USB қурилмага нусхалаш ва Маълумотларни дисплейга импорт қилиш вариантидан бирини танланг.

RN38933,0000029-UZ-25JUL11-1/2

7. Кейинги тугмасини танланг.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги тугмаси

RN38933,0000029-UZ-25JUL11-2/2

Маълумотларни USB сақлаш қурилмасига нусхалаш

1. Маълумотларни сақлаш учун профил номини танланг ёки яратинг. USB сақлаш қурилмасида олдиндан бўлган профиллар рўйхатда пайдо бўлади.

МУҲИМ: USB дан олдиндан яратилган профилни танласангиз, у ўчирилади ва алмаштирилади. Бу дисплей маълумотларни бирлаштирмайди ёки синхронламайди. Икки ёки ундан ортиқ GreenStar дисплейларида битта USB сақлаш қурилмасидан фойдаланилганда, маълумотларни йўқотмаслик учун ҳар бир дисплей учун алоҳида профиллардан фойдаланиш тавсия этилади.

2. Маълумотлар ўтказилгач дисплейнинг ички хотирасини тозаламоқчи бўлсангиз, катакни белгилинг.

OUO6050,00010E6-UZ-07JUN10-1/2

3. Кейинги тугмасини танланг.

4. Маълумотларни ўтказиш якунланганда хабар чиқади. Уни қабул қилинг ва USB сақлаш қурилмасини чиқаринг.

МУҲИМ: Ушбу хабар пайдо бўлишидан олдин USB сақалш қурилмасини чиқариш, дисплейдан қувватни узиш ёки моторни ўчириш маълумотлар йўқотилишига олиб келиши мумкин.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги тугмаси

OUO6050,00010E6-UZ-07JUN10-2/2

USB сақлаш қурилмасидан маълумотларни импорт қилиш

1. Маълумотларни сақлаш учун профил номини танланг. USB сақлаш қурилмасида олдиндан бўлган профиллар рўйхатда пайдо бўлади.

МУҲИМ: Дисплейдаги барча маълумотлар ўчирилади ва USB қурилмада танланган профилдан маълумотлар билан алмаштирилади. Бу дисплей маълумотларни бирлаштирмайди ёки синхронламайди.

OUO6050,00010E7-UZ-28APR09-1/2

2. Кейинги тугмасини танланг.

3. Маълумотларни ўтказиш якунланганда хабар чиқади. Уни қабул қилинг ва USB сақлаш қурилмасини чиқаринг.

МУҲИМ: Ушбу хабар пайдо бўлишидан олдин USB сақалш қурилмасини чиқариш, дисплейдан қувватни узиш ёки моторни ўчириш маълумотлар йўқотилишига олиб келиши мумкин.

PC10857JP—UN—13APR09

Кейинги тугмаси

OUO6050,00010E7-UZ-28APR09-2/2

Бошқа дастурий таъминотдан (3-томон) маълумотларни импорт қилиш

Агар маълумотларни ўрнатишга TASKdata.XML файл яратиш учун бошқа дастурий таъминотдан (3-томон) фойдаланилса, TASKdata.XML файлни USB қурилмадаги папкага нусхалаш керак бўлади.

Файлни *Command_Center\<Маълумотлар тўплами номи>\RCD*да жойлаштиринг. Шунда CommandCenter созлаш маълумотларини ўқийди ва у импорт қилиниши мумкин.

RN38933,000008E-UZ-28JUL11-1/1

Бўш ички хотира ҳажмини кўриш

Дисплейнинг умумий ички хотираси 512 МБ ва дала ва созлаш маълумотлари учун шундан 350 МБ ҳажмидан фойдаланиш мумкин. Унинг 90 % қисми тўлганда, огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Ички хотирада қолган бўш жойни GreenStar диагностикасидаги Ёзиб олиш саҳифасида кўриш мумкин:

GreenStar бош саҳифаси >> Диагностика >> Ёзиб олишни танланг (тушувчи рўйхатдан)

Хотирадаги қолган бўш жой мегабайтларда акс эттирилади ва устунли диаграммада ҳам кўрсатилади.

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JL—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

RN38933,000006A-UZ-25JUL11-1/1

Ички хотирадан маълумотларни олиб ташлаш

Ички хотирадан маълумотларни олиб ташлашнинг учта усули мавжуд:

- Маълумотларни USB сақлаш қурилмасига нусхалашда **барча маълумотлар ва созламаларни** тозаланг (маълумотларни нусхалаш ҳақидаги бўлимга қаранг)
- **Мослашувчан эгри чизиқ маълумотларини тозаланг** (GreenStar бош саҳифаси >> Йўналтиришни тез алмаштириш >> Йўлакни ўчириш)
- **Қамров харитаси маълумотларини тозаланг** (GreenStar бош саҳифаси >> Далани тез алмаштириш >> Қамров хариталарини тозалаш)

Мослашувчан эгри чизиқлар ва қамров хариталари хотиранинг катта қисмини эгаллаши мумкин. Хотиранинг ҳажми агрегат кенглиги, тезлиги ва машина қанчалик тўғри юришига боғлиқ.

OUO6050,00010E8-UZ-08OCT09-1/1

Йўналтириш йўлакларини тозалаш

Дисплейдаги хотирани бўшатиш учун Йўналтириш йўлакларини тозаланг (ўчиринг). Йўналтириш йўлаклари Йўналтиришни созлаш саҳифасида тозаланади:

GreenStar бош саҳифаси >> Йўналтиришни тез ўзгартириш >> Йўлакни ўчириш

1. Кузатиш режимини танлаш
2. Йўлак номини танлаш (кузатиш режимига қараб)
3. Йўлакни ўчириш тугмасини танлаш

PC13916—UN—25JUL11

PC10857JJ—UN—13APR09 *GreenStar бош саҳифаси*

PC10857XK—UN—16JUN09 *Йўналтиришни тез ўзгартириш*

Йўлакни ўчириш

RN38933,000010E-UZ-10AUG11-1/1

Маълумотларни тозалаш

Мижоз, ферма ва дала маълумотлари фақат маълумотларни тозалашдан фойдаланиб ўчирилиши мумкин.

1. Қайси турдаги маълумотни ўчирмоқчи эканлигингизни танланг (мижоз, ферма, дала).
2. Текшириш катакларини танлаш орқали ўчириладиган тегишли маълумотларни танланг
   - GS3 >> Созламалар >> Тозалаш рўйхати
3. Танланган маълумотларни ўчириш тугмасини босинг

ҚАЙД: Белгилаб бўлмайдиган қисмлар ўчирилмайди, чунки улар бошқа маълумотларга тегишли бўлиши мумкин ёки компьютер дастуридан фойдаланиб яратилган.

PC13976—UN—10AUG11

Маълумотларни тозалаш



PC13233—UN—31MAR11

Маълумотларни тозалашни танлаш

RN38933,000010D-UZ-10AUG11-1/1

Йўналтириш сигнализацияси

SSU алоқа хатолиги	Транспортни бошқариш контроллери (SSU) билан алоқа йўқ. Транспортни диагностика кодлари билан текширинг ва Жон Дир дилери билан боғланинг.
Бир нечта SSU аниқланди	Иккита бошқариш контроллерлари (SSU) мавжуд. SSU лардан бирини узинг ва қувватни ўчириб ёқинг.
ATU фаоллаштириш мавжуд эмас	ATU фаоллаштирилмади. Пастда фаоллаштириш кодини киритинг ёки GreenStar иловасига кириш учун ATU блокини узинг.
Бурилиш предиктори ёқилган	Бурилиш предиктори ёқилиб қолган. Уни ЎЧИРИШ учун катакдаги белгини олиб ташланг
AutoTrac фаол ҳолатда эмас	Оператор ўриндиқни 5 сониядан ортиқ вақтга тарк этганда AutoTrac тизими фаол ҳолатдан чиқади
AutoTrac	Оператор тўқнашувни олдини олишга масъулдир. Катта йўлларга чиқишдан олдин AutoTrac тизимини ЎЧИРИНГ.
AutoTrac тизими аниқланди	Автоматик йўналтириш тизими аниқланди. Йўлда йўналтириш тизими фаоллаштирилса, транспорт бошқарувини йўқотишингиз мумкин. Ўлим ёки жиддий жароҳатнинг олдини олиш учун йўлга чиқишдан олдин йўналтириш тизимини ўчиринг.
AutoTrac SSU дастурий таъминоти мос эмас	AutoTrac мос келмайдиган SSU (транспорт контроллери) версиясини аниқлади. AutoTrac тизими ишлаши учун SSU тизимига энг сўнгги дастурий янгиланишларни олиш мақсадида Жон Дир дилери билан боғланинг.
Номаълум ҳаракат йўналиши	Тизим транспортнинг ҳаракат йўналишини аниқлай олмаган. Ҳаракат йўналишини танланг.
Оператор йўқлиги вақти ўтиб кетганлиги аниқланди	Тизим операторнинг яқинда амалга оширилган оператор ҳаракатини аниқламади. AutoTrac тизими ўчишига қолган вақт: XX сон. ATU тиклаш тугмасини босинг ёки ўчишни олдини олиш учун ушбу огоҳлантиришни тасдиқланг.
Созлаш маълумотлари мавжуд эмас!	GreenStar иловаси учун созлаш маълумотлари хотирада топилмади. Созлаш маълумотлари бўлмагунча GreenStar иловасидан фойдаланиб бўлмайди.
Алоқа хатолиги	Транспортни бошқариш контроллери билан алоқа йўқ. Транспортни диагностика кодлари билан текширинг ва Жон Дир дилери билан боғланинг. Эслатма: Дастурлаш давомида алоқани йўқолиши меъёрий ҳолат саналади. Қайта дастурлаш пайтида қувватни узманг.
Мобил процессор аниқланди	CAN-шинада мобил процессор аниқланди. GreenStar иловаси ўчирилган. GreenStar иловасини ёқиш учун мобил процессорни олиб ташланг ва қувватни ўчириб ёқинг.
GPS алоқасида муаммо бор	GPS ресивер билан алоқа йўқ. GPS тизимида уланишларни текширинг ва жараённи қайта такрорланг.
Кузатиш ноаниқ	GPS ресивери 5 Гц частота билан хабарларни узатишга ўрнатилиши керак. GPS ресивер созламаларини тасдиқланг ва 5Гц гача чиқишни ўзгартиринг,
Нотўғри чегара	Нотўғри чегара ёзиб олинди. Ёзиб олишда давом этишингиз мумкин ёки жорий чегарани тозаланг ва ёзиб олишни қайтадан бошланг.
Фаоллаштириш хатолиги	Фаоллаштириш коди нотўғри. Фаоллаштириш кодини қайтадан киритинг.
Фильтр яроқсиз	Танланган умумий тур асосида тўлдирилиши талаб этилган барча далалар тўлдирилмади.
Белгилар бир хил танланган	Битта ном ва режимдаги белгилар танланган.
Бу ном мавжуд	Сиз киритган ном рўйхатда мавжуд. Янги номни киритинг.
